

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“РЕСУРС ТЕЖАМКОР СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”
модули бўйича
ўқув – услубий мажмуда**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“РЕСУРС ТЕЖАМКОР СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”

**модули бўйича
ўқув – услубий мажмуда**

Тошкент – 2019

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар:

Такризчи:

Ўқув-услубий мажмуатИҚХММИ Кенгашининг 2019 йил 31 октябрдаги 3-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

2. Календар режа.....	48
-----------------------	----

МУНДАРИЖА

1. Ишчи дастур.....	3
2. Календар режа.....	12
3. Таълим технологияси.....	13
4. Тест саволлари.....	50
5. Назорат саволлари.....	57
6. БМИ мавзулари.....	59
7. Мустақил таълим	61
8. Глоссарий.....	62
9. Дидактик материаллар.....	67
10. Адабиётлар рўйхати.....	69

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И. А. Каримов 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти”да олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3702-сонли Қарорида бир қатор устувор йўналишлар назарда тутган холда ишлаб чиқилган. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усувларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Ресурс тежамкор сугориш технологиялари” фани **модулининг мақсади:** Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда янги инновацион, замонавий, илгор сугориш техника ва технологияларни қўллаш, қишлоқ хўжалик экинларни мақбул сугориш режимини, турли сув тежамкор сугоришусулларини татбиқ қилишни замонавий билимларини ўргатиш ҳамда уларни муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини амалётга тадбиқ этиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

“Ресурс тежамкор сугориш технологиялари” **модулининг вазифалари:**

- қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсини ўтаётган олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагогик кадрларида чекланган сув ресурсларининг ҳисобини олиб бориш;
- Сув тежамкор сугориш технологияларини лойиҳалашда қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҳамда бошқа меъёрий хужжатлар, конструкторлик хужжатларни ишлаб чиқариш, сугориш тартибларини ишлаб чиқиш, сугориш технологиялари ва усувларини такомиллаштириш;
- Сув тежамкор сугориш технологияларини лойиҳалашда қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҳамда бошқа меъёрий хужжатлар, конструкторлик хужжатларни ишлаб чиқариш, сугориш тартибларини ишлаб чиқиш, сугориш технологиялари ва усувларини такомиллаштириш;
- Гидромелиоратив тизимларни лойиҳалашни, сугориш тармоқларининг конструкцияларини, сугориш техникасини гидравлик ҳисоблаш ва қирқимларини лойиҳалашни, ирригация эрозияси ва унга қарши комплекс тадбирларни таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- Сув тежовчи сугориш технологияси, усули ва техникаси элементларини танлаш, сугориш тармоқларини жойлаштиришнингтехник-иктисодий қулай вариантларини танлаб ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишга ўргатиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

«Ресурс тежамкор сугориш технологиялари» модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида **TINGLOVCHI**:

- ирригация ва мелиорация йўналиши умуммутахассислик ва мутахассислик фанларининг дидактик асосларини **БИЛИМЛАРГА ЭГА БЎЛИШИ**;
- ирригация ва мелиорация йўналиши умуммутахассислик ва мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича инновациялар усулларини билиши ва улардан фойдалана олиш **ҚЎНИКМАЛАРИНИ ЭГАЛЛАШИ**;
- ирригация ва мелиорация соҳасидаги сўнгги ютуқларни;
- ирригация ва мелиорация йўналиши доирасидаги мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни;
- ирригация ва мелиорация йўналиши доирасидаги фанларни ўқитиш бўйича педагогик маҳорат **МАЛАКАЛАРИНИ ЭГАЛЛАШИ**;
- гидрометрик ўлчовларни амалга ошириш ва уларнинг натижаларини қайта ишлаш усулларини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- ирригация ва мелиорация йўналиши фанларидан электрон ўкув материалларини яратса олиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- ирригация ва мелиорация йўналиши педагогларида касбий билимларни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;

таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш қўникмаларига эга бўлиши лозим. турли хил гидрологик ва сув хўжалиги ҳисобларини бажариш **компетенцияларга эга бўлиши лозим**.

Модулнинг ўкув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўкув режадаги ““Ресурс тежамкор сугориш технологияларида долзарб муаммолар” ва “Сув хўжалигига инновацион технологиялар” ўкув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар “Ресурс тежамкор сугориш технологиялари” фанининг замонавий концепциясидаги муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолаш, оптимал ва муқобил ечим топишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

Умимий соат	Масоғавий таълим	Жумладан	Жумладан	
			Назарий	Амалий
Модул мавзулари				кўчма машғулот

1.	Ресурс тежамкор сугориш технологияларини қўллаш шартлари, авзалликлари ва камчиликлари. Томчилатиб сугориш тизими ва унинг таркибий қисмлари билан танишиш.	6	4	2		2	1
2.	Томчилатиб сугориш тизимини лойиҳалаш, қўллаш бўйича тавсиялар. Томчилатиб сугоришни қўллаш шароитларини илмий асослаш. Томчилатиб сугориш тизими ва унинг таркибий қисмларини такомиллаштириш ҳамда қувурларни гидравлик ҳисоби.	4	2	2		2	1
3.	Қишлоқ хўжалик экинларини сувга бўлган таълабини аниқлаш ва сугориш тартибини белгилаш.	6	4	2	2		
4.	Қишлоқ хўжалик экинларни техник воситалар ёрдамида сугориш вақтини аниқлаш.	6	2	4		2	
5.	Сув тежовчи сугориш тизимларини амалда қўллашни давлат томонидан рағбатлантирилиши.	4	2		2		
Жами:		26	14	12	4	6	2

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ



“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-

ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўкув топшириғни белгилаш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	якка ва гуруҳда ишлаш; муқобил вариантларни амалда кўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс. Сув истемолчилари уюшмаси аъзолари умумий каналнинг бутун узунлиги билан жойлашган. Сувдан фойдаланиш жараёнида каналнинг боши, ўртаси ва охирида жойлашган барча СИУ қатнашчиларига сув бир маромда тенг етказиб берилишида нотекислик ва норозилик келиб чиқди. Яъни сув истеъмолчилари ўртасида норозилик пайдо бўлди.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириклар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Мобил иловани ишга тушириш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчилярнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчилярнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар,

амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўкув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

**Сув истеъмолчилари
уюшмаси кандай ташкилот?**

- A: Нодавлат, тижорат ташкилот;
- B: Аксиядорлик ташкилоти;
- C: Нодавлат, нотижорат ташкилот;
- D: Уз-ўзини бошкариш.



Қиёсий таҳлил

**Сув ресурсларини бошкариш
самарадорлиги кўрсатгичларини
таҳлил қилинг?**



Тушунча таҳлили

- СХМ қисқармасини
изоҳланг...



Амалий қўнишка

- Канал хавзасида сув хўжалиги балансини хисобланг?

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиши,

режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастрраб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топширик, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштиради ва гурух аъзоларини ўз фикрлари билан гурухдошларини таништириб, баҳсласиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурух баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурух баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурух хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.

S – (strength)

• кучли томонлари

W – (weakness)

• зонф, кучсиз томонлари

O – (opportunity)

• имкониятлари

T – (threat)

• тўсиқлар

Намуна: Сув ресурсларини сув манбалари хавзалари даражасида гидрографик хавзавий принципда бошқариш принципининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга

туширинг.

S	Сув ресурсларини сув манбалари хавзалари даражасида гидрографик хавзавий принципда бошкаришнинг кучли томонлари	Махаллий хокимлик органлари ва кўпсонли сув истеъмолчиларининг суув ресурсларини бошкариш жараёнига аралашувини чекланганлиги
W	Сув ресурсларини сув манбалари хавзалари даражасида гидрографик хавзавий принципда бошкаришнинг кучсиз томонлари	Сув ресурсларини бошкариш жараёнида иштирок этувчи вакиллик органлари ва иштимоий ташкилотларнинг етарли салоҳиятга эга эмаслиги
O	Сув ресурсларини сув манбалари хавзалари даражасида гидрографик хавзавий принципда бошкаришнинг имкониятлари (ички)	Сув хавзаси худудининг кайси кисмида жойлашган эканлигига катый назар барча сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчиларни карор кабул килиш жараёнига жал этиш имконияти...
T	Тўсиқлар (ташқи)	Институционал ва моддий техник имкониятлар чекланганлиги хамда манфаатдорликнинг тўлақонли таъминланмаганлиги...

"Холосалаш" (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеристидаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, химоя қилишга имконият яратади. "Холосалаш" методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўллирилали ва мавзуз якунланали.

Намуна:

Сув ресурсларини бошқариш принциплари					
Инженер-технологик		Интеграллашган		Адаптив	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хуносас:					

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: Ресурс тежамкор суғориш технологияларини қўллаш шартлари, авзалликлари ва камчиликлари. (4 соат)

Режа:

1. Ресурс тежамкор суғориш технологияларини қўллаш шартлари ва усуллари
2. Томчилатиб суғориш тизимини авзалликлари.
3. Томчилатиб суғориш тизимини камчиликлари.

Таянч сўзлар: Сув ресурслари, сувлар сифати, тупрок ва ўсимликларнинг сув режими, суғориш, суғориш турлари, ерларни районлаштириш, иқлим минтақалари, гидрогеологик районлар, гидромодуль районлар суғориш режими, суғориш усуллари, суғориш техникаси, сувдан фойдаланиш.

1.1. Ресурс тежамкор суғориш технологияларини қўллаш шартлари ва усуллари

Айни вактда, жаҳон аҳолисининг 10 нафаридан 4 таси тоза ичимлик суви етишмаслигидан азият чекади. Мутахассисларнинг таҳминига кўра, 2025 йилга келиб

сайёрамизнинг 5,5 миллиард аҳолиси тоза ичимлик суви танқислигига учраши мумкин. Чунки, чучук сув истеъмоли, исрофгарчилиги мунтазам равишда ортиб бормоқда.

Суғоришга ишлатиладиган сув юкори даражада ноёб шароитда, шунчаки дехқончилик қилмай, қандай қилиб юкори сифатли ҳосил олиш мумкун? Бунинг ечими дунёниг жанубий қисмидаги давлатларда қирқ йилдан кўпроқ вақтдан буён ишлатилиб келаётган услугуб томчилатиб суғоришдир.

Керакли сув, ўғит ва минералларни тўғридан-тўғри ўсимликни илдиз қисмига етказиб берувчи бу ноёб услугуб ёрдамида пахта етиштириш ишларида ҳам кенг миқёсда фойдаланиш мумкин.

Томчилатиб суғориш боғ ва токзорларда хар-бир тупга, шудгорланадиган ўсимликлар (пахта, сабзавот, маккажухори ва бошқалар)да илдизлар озуқаланадиган қисмига сув ва эритилган ўғитларни тўғридан-тўғри жуда кичик миқдорда кераклича етказиб бериш демақдир.

Бошқача қилиб айтганда суғориш мавсумида кўп миқдорда 2-4 маротаба суғориш ўрнига ўсимликни ўзига қараб керакли миқдорда зарур бўлса ҳар куни сув ва ўғитни томчилатиб етказиб туради.

Томчилатиб суғориш қўйидаги маълумотларга асосланади:

1. Қишлоқ ҳўжалик экин тури;
2. Иқлим шароити;
3. Суғоришуvinинг сифати
4. Тупроқ таркиби;
5. Режалаштирилган харажатлар.

Томчилатиб суғориш тизими конструкциясини лойиҳалаштириш маҳсус компьютер дастури ёрдамида бажарилади. Компьютер мақбул вариантни 2 таъмойилдан чиқиб асослайди :

Кичик капитал харажатлар (кувурлар диаметри максимал даражада кичик, насос эса иложи борича қувватлироқ)

Кичик эксплуатацион харажатлар (кувурлар диаметри максимал даражада катта насос эса кичик қувватли).

2.2. Томчилатиб суғориш тизимини авзалликлари

Намлаш факат ўсимликларнинг илдиз системаси жойлашган ерларда булади.

Катор оралиги қуруқ булиб, агротехника ишларни механизмлар ёрдамида олиб боришга имкон яратади.

Сувни катта иктисад килиниши ва ишлатишнинг оддийлиги.
юкори иш унумдорлиги ошади;
оз сув сарф қилиб, юкори мелиоратив курсатгичларга эришилади;
суғориш тармокларининг юкори техник курсатгичларга эга булишини таъминланади.

3.3. Томчилатиб суғориш тизимини камчиликлари

Томчилаб суғориш усулининг авфзалликлари:

Томчилаб суғориш усулининг камчиликлари:

Томчилатгичларнинг тешикларини тўлиб колиши;

Томчилатиб суғориш усульнни куллаш учун катта маблаг зарурлиги, уни катта даромад келтирадиган экинларда, катта нишаблик жойларда ва сув ресурслари танкис булган жойлардагина куллаш мумкинлигини курсатади.

Йўналтирувчи саволлар :

1. Ресурстежамкор технология деганда нимани тушунасиз?
2. Қандай ресурстежамкор технологиялар ҳақида биласиз?
3. Ресурстежамкор технологияларнинг устуворлиги қандай белгиланади?
4. Ресурстежамкор технологияларни қўллаш шартлари қандай?
5. Ресурстежамкор технологияларга мисол келтиринг?
6. Ресурстежамкор технологияларни қўллашдан асосий мақсад?

Назорат саволлари:

1. Ресурстежамкор технологиялар турлари
2. Ресурстежамкор технология афзаллиги
3. Ресурстежамкор технология камчиликлари
4. Ресурстежамкор технологияларнинг қўлланилиш шароитлари

Адабиётлар рўйхати

1. Ritzema H.P. (Editor-in-Chief), 2006. Drainage Principles and Applications. Wageningen, Alterra, ILRI Publication no. 16, pp.1125.
2. Маматов С.А. “Томчилатиб суғориш тизими”. Кўлланма. Т. “Мехридарё”, 2012, 80 бет.
3. Рахимбоев Ф.М. “Практикум по сельскогохозяественному гидротехническим мелиорациям” Т. “Мехнат». 1991, 391 бет.

2- мавзу: Томчилатиб суғориш тизимини лойиҳалаш, қўллаш бўйича тавсиялар. Томчилатиб суғоришни қўллаш шароитларини илмий асослаш.
Томчилатиб суғориш тизими ва унинг таркибий қисмларини такомиллаштириш ҳамда қувурларни гидравлик ҳисоби.

Режа:

1. Томчилатиб суғориш тизимини лойиҳалаш, қўллаш бўйича тавсиялар
2. Томчилатиб суғоришни қўллаш шароитларини илмий асослаш.
3. Томчилатиб суғориш тизими ва унинг таркибий қисмлари билан танишиш

Таянч сўзлар: Сув ресурслари, сувлар сифати, тупроқ ва ўсимликларнинг сув режими, суғориш, суғориш турлари, ерларни районлаштириш, иқлим минтақалари, гидрогеологик районлар, томизгич, томчи катталиги, гидромодуль районлар суғориш режими, суғориш усууллари, суғориш техникаси, сувдан фойдаланиш.

1.1. Томчилатиб суғориш тизимини лойиҳалаш, қўллаш бўйича тавсиялар

Айни вақтда Мамлакатимиздаги мавжуд сув захирасининг **20 %** игина Ўзбекистон худудида шаклланади. Колган **80 %** сув захираси эса, трансчегаравий Сирдарё ва Амударё дарёлари орқали кириб келади. Бу ҳам сувтежамкор технологияларни қўллашни тақозо этади.

Томчилатиб суғориш тарихи

Томчилатиб суғориш илк марта 60-йилларнинг бошида **Исройлда** ишлаб чиқилган ва саноат миёсида мустақил суғориш тури сифатида жорий қилинган эди.

Қисқа вақт мобайнида олинган ижобий натижалар томчилатиб суғориш дунёning кўплаб мамлакатларида тез тарқалишига ёрдам берди.

Томчилатиб суғориш сувнинг кам миқдорда ўсимликларнинг томир зонасига етиб боришига асосланган. Айни пайтда сув миқдори ва уни узатиш даврийлиги ўсимликларнинг эҳтиёжига қараб тартибга солинади.

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛГАНЛИГИ

Бу усул шу пайтгача мамлакатимизда ердан фойдаланувчиларнинг эътиборини етарли даражада қозона билмади. Бунинг сабаблари кўп. Фермерлар фикрига кўра, асосий сабаб томчилатиб суғориш тизимининг қимматлиги ва мураккаблиги ҳамда суғоришга мўлжалланган сув сифатидадир (ложқалиги ва балчиқлилиги). Бироқ наманганлик фермер *А.Болтабоев* ўз ерида шахсий намунаси билан бунинг тескарисини исбот қилди. Фермер Болтабоев томчилатиб суғоришнинг найсимон усулидан фойдаланиб, 1 гектар ердан 28 центнер, худди шундай ери бор кўшнилари эса ҳар гектар ердан 15-21 центнер пахта ҳосили олди.

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМИНИНИ ҚЎЛЛАШ ШАРОИТЛАРИ

Томчилатиб суғориш тизимларни ҳамма жойда, ҳатто бошқа суғориш усуларини қўллаш мумкин бўлмаган ёки қўллаш самара бермайдиган шароитлар, яни:

- Мураккаб рельефли ва нишаблиги нкатта участкаларда;
- Қурғоқчилик узоқ давом этадиган ва шамоли кучли бўлган ҳудудларда;
- Тупроқ катлами юқа ва шимилиши юқори бўлган майдонларда;
- Суғориш сувини етказиб бериш қимматга тушадиган (насослар ёрдамида сув бериладиган) ҳудудларда;
- Суғоришга тозаланган чиқит сувлар ишлатиладиган ҳолатларда қўллаш мумкин.

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМИНИНИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Одатда томчилатиб суғориш тизимининг таркибиغا қўйидаги қисмлар киради:

- Сув манбай (насос станцияси);
- Ўғит еритмаларини тайёрлаш ва сувга қўшиш мосламаси;
- Фильтровчи станция;
- Магистрал қувур;
- Босим ростлагичлар;
- Тарқатувчи қувурлар;
- Ҳавони чиқариб юборувчи клапан;
- Қувур, шланг ва бошқа қисмларни ўзаро уловчи мосламалар;
- Томизгичли шланглар;
- Назорат-ўлчаш ускуналари

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМИНИНИ ЛОЙИХАЛАШ

- Томчилатиб суғориш тизимини амалда қўллаш учун аввал унинг лойиҳасини тузиб чиқиши талаб қилинади.
- Лойиҳалаш тизимни самарали ишлаши учун замин яратади яъни унинг элементларини тўғри танлашга ва суғоришни самарали олиб боришига имкон беради.

Томчилатиб суғориш тизимини лойиҳалаш учун энг аввал тизимда қўлланиладиган томизгич турини тўғри танлаб олиш лозим.

Томизгичнинг тури даладаги экинни суғоришнинг давомийлиги асосида танланади. Бунда экин даласига бир марта суғоришда бериладиган сувнинг миқдори асосий омил ҳисобланада.

Зарур миқдордаги сувни етказиб бериш учун сарфланадиган вақт, яъни суғориш вақтининг 10-12 соат қилиб белгиланиши энг маъқул саналади.

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМИНИНИГ ҚҰЛАЙЛИКЛАРИ

Сувнинг кўп миқдорда тежалиши – чунки ўсимликнинг факат илдиз қисми хўлланади, буғланиб исроф бўладиган сув миқдори анча-мунча қисқаради, сувнинг четдан оқиб ўтиши оқибатида рўй берадиган нобудгарчиликка йўл қўйилмайди. Томчилатиб суғориш вақтида “арик” деб аталадиган қаторлар ораси, одатда сув ариққа қуиладиган анъанавий суғориш билан солиширгандан, бошидан охиригача қуруқлигича қолади.

Сувнинг умумий тежалиши 1 гектар ғўза учун 11,7 минг м³, 1 гектар буғдой учун 6,6 минг м² ва 1 гектар боғ учун 11,4 минг м³дан иборат бўлади;

Минерал ўғитлар 30-40 фоиз тежалади оддий суғориша у 1 гектар ғўза майдонига 850 кг азот ўғити, 150 кг фосфор, 100 кг хлорли калий ишлатилади. Томчилатиб суғориша 1 гектар ерга 250 кг азот, 150 кг фосфор, 50 кг калий сарфланади. Айни пайтда минерал ўғитларнинг ўзлаштирилиши 90-95 фоиз, анъанавий суғориша эса 30-38 фоиз бўлади.

Суғориш вақтида эритилган ўғитлар бевосита илдиз зонасига киритилади. Озуқа моддалар тез ва жадал сўрилиб кетади. Бу қуруқ иқлим шароитида ўғит беришнинг энг самарали усулидир;

Маҳсулот ҳосилдорлиги ва сифати юқорилиги томчилатиб суғориша ҳосилнинг эрта пишиш кузатилади. Намнинг ўсимликлар илдиз тизимига аниқ тушиши ва ўғитлар ўзлаштирилишининг юксак самарадорлиги ҳисобига анъанавий суғориш билан солиширгандан ҳосилдорликнинг 30-70 фоиз ошиши кафолатланади;

Иккиламчи шўрланиш йўқлиги – томчилатиб суғориш дренаж қурилишини талааб қилмайди, ер ости сувлари ва тузлар юқорига кўтарилилмайди, тупроқ тузилмаси сақланиб қолади. Бундай суғориш ўсимликларни мўътадил шўрланган тупроқда ўстириш, суғориш учун кам шўрланган сувдан фойдаланиш имконини беради. Томчилатиб суғориша томизғичлар яқинидаги тузлар жадал ажралиб чиқади.

2.2. Томчилатиб суғориши қўллаш шароитларини илмий асослаш

Иккиламчи шўрланиш йўқлиги – томчилатиб суғориш дренаж қурилишини талааб қилмайди, ер ости сувлари ва тузлар юқорига кўтарилилмайди, тупроқ тузилмаси сақланиб қолади. Бундай суғориш ўсимликларни мўътадил шўрланган тупроқда ўстириш, суғориш учун кам шўрланган сувдан фойдаланиш имконини беради. Томчилатиб суғориша томизғичлар яқинидаги тузлар жадал ажралиб чиқади.

Тузларнинг чеккада йиғилиши ўсимликларнинг ривожланишига унчалик катта таъсир кўрсатмайди. Сув билан озуқа моддаларни тупроқнинг туз ажралиб чиқкан қисмидан илдиз тизими сингдириб олади;

Тупроқса сув сингиши турлича ва юзаси ўта нотекис бўлган ер майдонларини суғориш имконияти – томчилатиб суғориш тизими – қувур ёки тасмалар тизими ўсимликлар туби, яъни жўякларда жойлашади.

Томчилатиб суғориш нишаб ёки топография жиҳатидан мураккаб бўлган жойларда маҳсус ўйик жойлар ёки тупроқни кўчирмай туриб суғориш имконини беради;

Нишаб жойларда томчилатиб суғориши қўллаш тупроқнинг қандайдир емирилишига сабаб бўлмайди. Бундан ташқари, оддий усул билан суғориш пайтида

тупроқ чүкиши, бўшлиқ ҳосил бўлиши, сув экинларни суғоришга эмас, тупроқ остига чукур сингиб кетиши мумкин бўлган адир ерлари учун жуда фойдали.

Томчилатиб суғориша ариқлар хўл бўлмайди ва бу ҳол тупроқса ишлов бериш, сув пуркаш ва ҳосилни исталган пайтда, экин қачон суғорилганига қарамай, йигиб олиш имконини беради, чунки қаторлар орасидаги тупроқ бутун мавсум мобайнида қуруқлигича қолади;

1.3. Томчилатиб суғориш тизими ва унинг таркибий қисмлари билан танишиш ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМИНИНИ ЛОЙИҲАЛАШДА ҚУЙИДАГИ АМАЛАР КЕТМА-КЕТЛИГИ БАЖАРИЛАДИ

1. Участка (дала, боғ) нинг контурлари аниқланиб схемаси чизилади. Унда участка юзасининг нишаблиги, ўтказиладиган йўллар, сув манбаининг (арик, бурғу қудуғи ва бошқалар) ўрни кўрсатилади. Томчилатиб суғориш тизимининг сув бериш иншоотлари (ховуз, насос, фильтр, ўғит эритмаси тайёрлаш) иложи борича участканинг ўртаси ёки унинг энг баланд нуқтасида жойлаштирилади. Томчилатиб суғориш тизимининг магистрал қувурлар узунлиги энг кам бўладиган схемаси танланади.

2. Экин майдонини ҳаммасини бирданига суғориб бўлмаса, уни секторларга бўлиб чиқилади. Секторларга бўлиш сув манбаининг амалдаги сув етказиб бера олиш имконияти асосида амалга оширилади, яъни сув манбаидан олинадиган сув сарфи бирданига қанча майдонни сугора олишига қараб сектор майдони белгиланади.

Йўналтирувчи саволлар :

1. Томчилатиб суғориш тизими ҳақида маълумот беринг?
2. Томчилатиб суғориш тизимининг афзалликлари?
3. Томчилатиб суғориш тизими лойиҳалаш?

Илова 6

Назорат саволлари :

1. Томчилатиб суғориш тизимининг асосий мақсади?
2. Томчилатиб суғориш тизимининг афзалликлари нимадан иборат?
3. Томчилатиб суғориш тизими лойиҳалаш кетма-кетлигини биласизми?

Илова 7

Адабиётлар рўйхати

1. Ritzema H.P. (Editor-in-Chief), 2006. Drainage Principles and Applications. Wageningen, Alterra, ILRI Publication no. 16, pp.1125.
2. Маматов С.А. “Томчилатиб суғориш тизими”. Кўлланма. Т. “Мехридарё”, 2012, 80 бет.
3. Рахимбоев Ф.М. “Практикум по сельскогохозяественнкм гидротехническим мелиорациям” Т. “Мехнат». 1991, 391 бет.

3- мавзу Қишлоқ хўжалик экинларини сувга бўлган таълабини аниқлаш ва суғориш тартибини белгилаш. (2 соат)

Режа:

1. Қишлоқ хўжалик экинларини сувга бўлган таълабини аниқлаш усуллари
- 2 Қишлоқ хўжалик экинларини сувга бўлган таълабини аниқлаш.
3. Қишлоқ хўжалик экинларини суғориш тартибини белгилаш.

Таянч сўзлар: Сув ресурслари, сувлар сифати, тупроқ ва ўсимликларнинг сув режими, суғориш, суғориш турлари, ерларни районлаштириш, иқлим минтақалари, гидрогеологик районлар, гидромодуль районлар суғориш режими, суғориш усуллари, суғориш техникаси, сувдан фойдаланиш.

1.1. Қишлоқ хўжалик экинларини сувга бўлган таълабини аниқлаш усуллари.

Ғўзани суғориш муддати ва меъёрлари худуднинг сув билан таъминланганлик даражасига, тупроқ хусусиятлари ва сизот сувлари чуқурлигини ҳисобга олиб белгиланади. Шунда ғўзанинг бир меъёрда ўсиши, эртаги ва мўл ҳосил олиниши таъминланади.

Республикамиз вилоятларида тупроқ тури, ер ости сувлари жойлашувини инобатга олган ҳолда ғўзани суғориш графиги тузилади ва ҳар 1,5-2,0 гектар майдонга 1 нафардан тажрибали сувчи бириктирилади. Сувдан унумли фойдаланишда ғўзани тунда суғориш самарали натижа беради, пуштага нам тез ва текис кўтарилади. Бундай усулда ўсимлик қониб сув ичади. Энг асосийси ҳосил элементлари яхши сақланади, кам тўкилади. Буғланиш ва исроф бўлишининг олди олинади.

Тунги суғоришни тўғри ташкил қилиш учун ҳар бир сувчи чироқ ёки фонарлар билан таъминланган бўлиши керак. Пахтачилик илмий тадқиқот институти тавсияларига кўра, Андижон вилояти тупроқ-иклим шароитида ғўза вегетацияси даврида ер ости сувлари сатҳига қараб 4-7 марта суғорилса, Тошкент вилояти шароитида 4-7 марта, Сирдарё вилоятида 2 марта суғориш мақсадга мувофиқдир.

Қашқадарё вилоятининг чўл, ярим чўл минтақаси, ер ости сувлари 2-3 м, тақирысимон ва оч тусли бўз тупроқларида 3-4 марта суғорилса, ўрта худуддаги тоғолди минтақаси, сизот сувлар 3,0 м ва ундан чуқур жойлашган типик бўз, оч тусли бўз тупроқларда 3 марта (850-900 м³/га) суғориш тавсия этилади.

Бухоро вилояти шароитида ғўза гуллагунича суғориш меъёри гектарига енгил тупроқларда 700-800 м³, ўртача тупроқларда 800-900 м³ ва оғир тупроқларда 900-1000 м³, гуллаш-ҳосил тўплаш даврида енгил тупроқларда 800-900 м³, ўрта ва оғир механик таркибли тупроқларда 1000-1300 м³, пишиш даврида 600, 700 ва 800 м³ ни ташкил этади.

Самарқанд вилояти шароитида бўз ва лой тупроқларда ғўза 5 марта гача суғорилиб, суғоришлар ораси 20-22 кунни ташкил этади. Механик таркиби турлича, зич ва қават-қават жойлашган тупроқларда 6 марта суғорилиб, суғоришлар оралиғи 15-20 кунни, сизот сувлари 1-2 метрда жойлашган қум ва қумоқ тупроқларда 3 марта суғорилиб, суғоришлар 101 ораси 23-25 кунни, сизот сувлари 7-10 м жойлашган типик бўз тупроқларда 7 марта суғорилиб, суғоришлар оралиғи 14- 20 кунни ташкил этади.

Ғўза етиштиришда суғориш усулига ва ер ости сувлари сатҳига қараб суғоришлар сони 2-3 мартадан 4-7 марта гача, суғориш тартиби 0-2-0, 0(1)-3-0; 1-3(4)-1; 1-4-0; 2-4-1 тизимларда ўтказилади.

2.2. Қишлоқ хўжалик экинларини сувга бўлган таълабини аниқлаш.

Суғоришнинг давомийлиги енгил тупроқларда ғўза гулга киргунича 10-12, ўрта ва оғир тупроқларда 12-14, гуллаш даврида эса мос равишида 14-16 ва 16-18 соатдан ошмаслиги керак. Тупроқ қуриб қолмаслиги учун эгатларни очиш суғориш арафасида амалга оширилиши мухимдир.

Ғўзани суғоришда сув камчил бўлса, барча сувларни, хатто кучсиз шўрланган зовур сувларини ҳам аралаштириб ишлатишга тўғри келади.

Бунда аралашманинг минераллашганлик даражаси қум ва енгил қумоқ тупроқларда 3-3,5 г/л, оғир, ўрта ва қумоқ тупроқларда 1,0-1,5 г/л бўлиши 103 мумкин. Лекин, сув ўта тақчил бўлган йиллари таркибида 5,5 г/л туз бўлган сувлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда биринчи суғоришда ариқ суви, иккинчисида ариқ ва зовур сувлари аралашмаси билан ва ҳоказо навбатлаб суғориш самарали усул ҳисобланади.

Ғўзанинг гуллаш ва ҳосил тўплаш даврида сувга талаби ортади ва бу даврда чанқатиб қўйилиши ўсиш ва ривожланишини кечикитиради, барглар сўлиб қорамтири тус олади, бош поянинг ўсув нуқтасида гулнинг тез пайдо бўлиши (гулнинг тепага чиқиб кетиши) ҳамда ҳосил элементлари тўқилиб кетиши қузатилади.

Бу даврда ҳаддан ташқари ортиқча суғориш ҳам мумкин эмас. Чунки, ғўза зўр бериб бўйига ўсиб, кўп барглайди, сербарг бўлиб ғовлаб кетади, ҳосил тугунчалари пайдо бўлиши камаяди ҳамда пахта ҳосили 3-5 ц/га камайишига олиб келади.

Ғўзани пишиш даврида ўсиш жараёнлари секинлашади ва суғоришни юкори меъёрда ўтказиш тавсия этилмайди. Агар бу даврда ғўзага кўп сув берилса тупроқ совиб, қатор ораларида ҳавонинг нисбий намлиги ошади, ғовлаб қайта ўса бошлайди, поялари ётиб қолиб, кўсаклар очилиши кечикади, бу эса тола сифатига ва йигим терим ишларига салбий таъсир этади.

3.3. Қишлоқ хўжалик экинларини суғориш тартибини белгилаш СУҒОРИШ РЕЖИМИ

Парвариш қилинаётган экинларнинг сувга бўлган талабаи, режалаштирилган ҳосилдорлиги, иқлим, тупроқ ва гидрогеологик шароитларни ҳисобга олган ҳолда, уларнинг суғориш сонини, муддатларини ва меъёrlарини аниқлашга, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш режими дейилади.

СУҒОРИШ МУДДАТИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

- ўсимликнинг ташқи белгиларига қараб – тупроқ нами етишмай қолса ўсимлик барги тўқ яшил тусга киради, кун иссиқ пайтларда сўлиганга ўхшаб туради;
- ўсимлик барганинг сўриш кучи орқали;
- баргнинг соматик босими орқали;
- хужайра ширасининг концентрацияси орқали (ККС);
- тупроқ намлигини аниқлаш орқали;
- тупроқ намлигини тензиометр орқали аниқлаш

СУҒОРИШ СХЕМАСИ

Шимолий иқлим минтақасида ғўзани 1-2-0 ёки 1-3-0 тартибда 3-4 марта суғорилади

марказий иқлим минтақасида 2-3-0 ёки 2-4-1 тартибда 5-7 марта суғорилади
жанубий иқлим минтақасида эса 1-5-1 ёки 2-6-1 тартибда 7-9 марта суғорилади.

Ғўзани суғориш сони гидрогеологик минтақаларга ҳам боғлик бўлиб IV-гидрогеологик минтақада 2-3 марта суғорилса,
I-гидрогеологик минтақада суғориш сони бир мунча кўпайтирилади.

СУГОРИШ МЕЬЁРИ

Суғориш меъёри - 1 га майдонга бир марта суғоришида бериладиган сув микдори, м3/га ёки мм ҳисобида аниқланади.

Суғориш меъёри тупроқнинг сув-физик хоссалари, жойнинг рельефи, экин тури, суғориш усуллари ва уларни ўтказиш технологияси каби омилларга боғлиқ ҳолда турлича микдорларда бўлади.

ҒЎЗАНИ СУГОРИШ РЕЖИМИ

Шимолий иқлим минтақасида тупроқ тури ва сизот сувларини сатҳига қараб 2-3 дан 5-7 мартағача, Жанубий иқлим минтақасида -6 тадан 11 тагача Марказий иқлим минтақасида ғўза - 3-7 тадан 7-10 тагача Мавсумий суғориш меъёри 7500-8000 м3/га ни ташкил қиласди.

Илова 4

Йўналтирувчи саволлар

1. Экинларнинг сувга бўлган талаби қандай аниқланади
2. Суғориш меъёри нима
3. Суғориш меъёрини белгилаш шартлари
4. Суғориш тартиби
5. Суғоришнинг аҳамияти

Илова 5

Назорат саволлари :

1. Қишлоқ хўжалик экинларнинг сувга бўлган талабини аниқлаш услубарини сананг?
2. Қишлоқ хўжалик экинларнинг сувга бўлган талабини билиш нима учун керак?
3. Қишлоқ хўжалик экинларнинг сувга бўлган талабини сувга бўлган талаби нега аниқланади ?

Илова 6

Адабиётлар рўйхати

1. Ritzema H.P. (Editor-in-Chief), 2006. Drainage Principles and Applications. Wageningen, Alterra, ILRI Publication no. 16, pp.1125.
2. Маматов С.А. “Томчилатиб суғориш тизими”. Кўлланма. Т. “Мехридарё”, 2012, 80 бет.
3. Рахимбоев Ф.М. “Практикум по сельскогохозяественному гидротехническим мелиорациям” Т. “Мехнат». 1991, 391 бет.

4-мавзу: Қишлоқ хўжалик экинларни техник воситалар ёрдамида суғориш вақтини аниқлаш. (2 соат)

Режа:

1. Суғориладиган майдонлардаги тупроқларнинг намлигини аниқлаш бўйича тушунчалар
2. Қишлоқ хўжалик экинларни термостат торози усули ёрдамида суғориш вақтини аниқлаш.
3. Қишлоқ хўжалик экинларни тензометр ёрдамида суғориш вақтини аниқлаш.

Таянч сўзлар: Сув ресурслари, сувлар сифати, тупроқ ва ўсимликларнинг сув режими, суғориш, суғориш турлари, ерларни районлаштириш, иқлим минтақалари, гидрогеологик

районлар, гидромодуль районлар сұғориш режими, сұғориш усуллари, сұғориш техникаси, сувдан фойдаланиш.

Илова 1

Сұғориш тармоқларини, сұғориш техникасини сұғориш майдонларини сұғориш мавсумига тайёрлаш.

Тайёргарлик ишлари сұғориш, зах қочириш ва ташлама тармоқларини ва улардаги иншоотларни нормал техник ҳолатга келтиришдан бошланади.

Хұжалик ичи тармоқларида бажариладиган ишлар тури ва ҳажмини аниклаш учун маңсус хайъат түзилиб, бу хайъат аъзолари сұғориш мавсуми тугагач кузги-қишиги, кейинчалик баҳорги ишлар туркумини аниклади. Кузги-қишиги ишлар туркумига асосан:

сұғориш тармоқларидан сувни чиқарып юбориш;

сұғориш, зах қочириш ва ташлама тармоқларини ва улардаги иншоотларни таъмирлаш;

сұғориш ва зах қочириш тармоқларини лойқа ва ўтлардан тозалаш; барча мелиоратив техникани консервациялаш (краскалаш ёки коррозияга қарши мойлаш), асбоб ва жиҳозларни ечиб олиб, маңсус хоналарда қишки даврда сақлаш, ёки мойлаб ўраб қўйиш;

сұғориш далаларида шўр ювиш ва эксплуатацион (жорий) текислаш ишларини амалга ошириш.

Баҳорги ишлар туркимига:

хұжалик ичи тармоқларини ва иншоотларни назорат этиб, қайтадан жиҳозламоқ;

барча сув ўлчаш иншоотларида тарировка ишларини амалга ошириш, ёки тарировка жадвал ва графикларига аникликлар киритиш;

сұғориш далаларида жорий лозим бўлганда капитал текислаш ишларини амалга ошириш;

сұғориш тармоқларидан сув сарфини исроф бўлишига қарши тадбирларни амалга ошириш;

сұғориш зах қочириш ва ташлама тармоқлари ва улардаги иншоотларни сув қабул қилишга тайёрлигини текшириш ва аниқланган камчиликларни тезда бартараф этиш.

Илова 2

СФРни таҳлил қилиши ва ўзгартиришлар киритиш.

Баъзи бир йилларда хўжаликга бериладиган ҳақиқий сув ҳажми режалаштирилган сув ҳажмидан қуйидаги сабабларга кўра кескин фарқ қилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик экинларининг тури ва майдони режалаштирилганидан 10% дан ортиқ ҳажмда ўзгарганда;

оби ҳавонинг ўзгариши натижасида сұғориш сувига талабининг кескин ўзгаришида;

сұғориш манбасининг сұгораолиши қобилияти пасайганда;

сұғориш тизимида рўй берган авария натижасида сув Билан таъминлашнинг узок вакт мобайнида камайганда.

Бу холатларда хўжалик ичи СФРсига ўзгартиришлар киритилиши керак.

Агарда бундай ўзгаришлар режалаштирилган сув сарф қиймати билан ҳақиқий сув сарф қийматлари ўртасидаги фарқ 10%дан ошмаса, хўжаликга бериладиган сув сарфи

қайта ҳисобланмайды. Мабода фарқ 10% дан ортса унда юқори ташкилотлар билан келишилгандың үзгәртиришлар киритилади ва қайта тасдиқланади.

Сувни танқис бўлиши кутиладиган йилларда Қишлоқ хўжалик экинларини ҳосилдорлигини кескин камайиб кетишига йўл қўймаслик нуқтаи назаридан эксплуатацион тадбирлар ёрдамида ҳам ечиш режалаштирилиши кўзда тутилади, яъни суғориш нормаларини гектарига 200-300 м³/га камайтириш ва сув танқислиги бошлангунга қадар юқори суғориш нормалари билан Қишлоқ хўжалик экинларини суғориб, тупроқда кўпроқ нам тўплаш кўзда тутилади.

Илова 3

Эксплуатацион баҳолаш ва суғориш усулини танлаш.

Суғориш майдонларидан самарали фойдаланиш кўп жиҳатдан қабул қилинган суғориш усули ва суғориш техникаларига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам СФР тўзишда суғориш режими, Қишлоқ хўжалик экинларини суғориш жараёни техник имкониятлар билан узвий боғлик бўлиши керак.

Суғориш усувларини танлашда эксплуатацион баҳолаш қўйидаги асосий кўрсатгичлар бўйича амалга оширилади:

ташлама ва чуқур фильтрацияларга йўл куймасдан суғориш, экин майдонлари бўйича суғориш сувини бир текис тақсимлаш ва ҳисобий қатламни бир текис номлантириш;

Қишлоқ хўжалик ишларини (экиш, экинларга ишлов бериш) бажаришни механизациялашда қулай шароитлар яратилиши;

куну-тун суғориш имконияти ва сувчиларни соғлигига акс таъсир қилмасдан юқори иш унумига эришиш;

суғориш жараёнини ва суғориш тармоқларида сув тақсиматини механизациялаш, ҳамда автоматлаштириш;

суғориш жараёнини кам ҳаражатли бўлишлигини таъминлаш;

тупроқни ортиқча загланишига, тупроқ структурасини бузулишига йўл куймаслик ва тупроқ эрозиясини олдини олиш;

танланган суғориш усулини муайян табиий шароитида қайтааш имкониятларини яратиш;

Агарда ҳозирги кунда Республикаизда қўлланилаётган мавжуд суғориш усувларини караб чиқадиган бўлсак, улар: ер устидан, ёмғирлатиб, тупроқ ичидан, ёки остидан, томчилатиб ва пуркаб суғориш турларига бўлинади. Улар асосан 2 қўринишда, босимсиз ва босимли суғориш тизимлари орқали суғориш даласига узатилади. Табиийки босимсиз суғориш тизими иқтисодий кўрсатгичлари бўйича арzon босимли суғориш тизими эса анча қиммат туради. Шунга қарамай, эксплуатацион баҳолаш кўрсатгичлари орқали олиб қаралганда босимсиз тизимларга асосланган суғориш усувлари кам унумли ва катта камчиликларга эгадир.

Келажакда босимли тизимлар орқали ишлайдиган суғориш тизимларини (ёмғирлатиб, томчилатиб, пуркаб тупроқ ичидан) суғориш майдонларида кенг қўлланилиши табиийдир.

Ҳозирда хўжаликларда қўлланилаётган суғориш усувлари асосан ер устидан суғориш усули ҳисобланади.

Бу усувларга кўра экин майдонлари экинларнинг тури, суғориладиган майдонни режаси бошқа табиий ҳолларда эгатлаб, жўяклаб, йўлаклаб ва пол (чел) лаб амалга оширилади.

Илова 4

Суғоришиш ишларини ташкиллаштириш ва амалга ошириш.

Суғоришиш ишларини амалга ошириш аввало суғоришиш далаларини суғоришиш учун тайёрлаш ва суғоришиш техникасини ҳозирлашдан бошланади.

Бу ишлар жумласига қуидагилар киради:

Суғоришиш далаларини жорий текислаш.

Қишлоқ хўжалик экинларини экиш, тупроқка агротехник талабалар бўйича ишлов бериш ва экинларга ўз вақтида ўғитлар бериш.

Қабул қилинган суғоришиш техникасини турига караб:

сувчи-операторларни малакасини текшириб қуриш, ва уларни қайта ўқитиш, керакли анжомлар билан (ер устидан суғоришишда кетмон, оёқ кийим, фонус, сифон, ёмғирлатиб суғоришишда маҳсус кийим, томчилатиб суғоришишда компьютер ва хоказо) таъминлаш;

муваққат суғоришиш тармоқларини олиш (кесиш), суғоришишда қўлланиладиган жиҳозларни муваққат ариқ ва суғоришиш эгатлари бўйлаб тарқатиш;

суғоришиш техникаларини суғоришишга тайёрлаш (суғоришишга шай қилиб қуиши).

Суғоришиш ишларини бажаришни иккинчи босқичи суғоришишни амалга ошириши. Бунинг учун суғоришиш тизимлари орқали сув суғоришиш техникаси ёрдамида ўсимликнинг илдиз қатламига узатилиб сув оқими ҳолатидан тупроқни нам ҳолатига айлантирилади. Бунда сувни тарқатиш тартиби суғоришиш усули ва техникасига боғлиқ бўлиб, суғоришиш ер устидан эгатлаб амалга оширилганда, сув муваққат ариқлардан ўқ ариқларга тушиб уларни тўлдириш билан сувни ҳар бир суғоришиш эгатига сув таровчи жиҳозлар ёрдамида (чим, целофан, қоғоз, трубка сифон) берилади.

Суғоришиш техникаси, қувурлар ёки новлар бўлганда суғоришиш сув уларга тўлиқ берилиб, эгатларга уларда маҳсус ўрнатилган тешиклардан автоматик равишида тарқатилади.

Илова 5

Суғоришиш назорати ва сувдан фойдаланиш коэффициенти.

Хўжаликларда суғоришиш сувидан фойдаланиш, далаларни мунтазам ва сифатли суғорилиши, хўжалик ва суғоришиш тизимларидан фойдаланиш, туман сув назорати инспекцияси ходимлари томонидан доимо назоратда бўлади.

Назорат вақтида хўжаликга ва унинг бўлинмаларига берилаётган сувни ҳисоби олинади. Суғоришиш далаларига узатилган сувнинг ҳажми ва суғорилган майдон бўйича ҳақиқий суғоришиш нормаси аниқланилиб бу қиймат СФРдаги қиймат билан солиширилади.

Назоратчилар суғоришиш майдонларини суғоришиш даврида мунтазам айланиб юришлари, суғоришиш тахникасини текширишлари, суғоришиш ва заҳ қочириш тармоқларини ҳолатини назорат қилиб боришлари, назорат сув ўлчовларини амалга оширишлари талаб қилинади. Ташлама сувларни миқдорини аниқлаб боришлари керак. Аниқланилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида юқори ташкилотларга тезда хабар қилишлари, агарда бузғунчилик ва ўзбошимчалик содир этилган бўлса тезда далолатнома тўзишлиари, айборларни маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида юқори ташкилотларга хабарномалар ёзадилар.

Хўжаликлар томонидан сувдан тўғри фойдаланилганлик қуидаги кўрсатгичлар бўйича аниқланади:

1. Ҳисобий давр (10 кунлик, ойлик, мавсум) учун сувдан фойдаланиш коэффициенти аниқланилиб, бу күрсатгичлар бўйича сувдан фойдаланилганлик таҳлил қилинади.

Назорат қудуқлари ёрдамида сизот сувларини сатхи ва уларни минерализацияси назорат қилиб борилади.

Ҳар йилни апрел ва октябр ойлари бошида шўрланган майдонлар аниқланилиб ҳаритага тушўрилади.

Хўжаликга сув бериш кўрсатгичи орқали сув бериш режасини бажарилганлиги ёки бажарилмаганлиги аниқланади.

Сувдан фойдаланиш коэффициенти (СФК) қуйидаги қўринишларда аниқланиши мумкин:

$$C\Phi K = \frac{w_x \cdot Q_p}{w_p \cdot Q_x}$$

Бу ерда w_x w_p ҳисобот даврида ҳақиқатда суғорилган ва режа бўйича суғорилиши керак бўлган майдонлар, га;

Q_x Q_p - ҳисобий даврда суғориш майдонига ҳақиқатда берилган (гидротехник ўлчовлар натижасида) ва режа бўйича берилиши лозим бўлган сув сарфини ўртacha миқдори, m^3/s .

$$C\Phi K = \frac{P_{cp} \cdot \eta_x}{P_{cbr} \cdot \eta_p}$$

Бу ерда P_{cp} - суғориш режасини бажарилиши %,

P_{cbr} – сув бериш режасини бажарилиши, %

η_x , η_p - хўжалик ички тармоқларини ҳақиқий ва режавий фойдали иш коэффициенти қиймати.

СФК қиймати 0,9 дан кам бўлишлиги, тунги суғоришларни амалга оширилмаётганлигидан, суғориш сувини коллектор-зовурларга ташланаётганлигидан, хўжалик ичи тармоғини ҳақиқий фойдали иш коэффициенти тўғри эмаслигидан суғоришда, суғорилган майдонларни ҳисобга олинмаганлигидан далолат беради.

Илова 6

Йўналтирувчи саволлар :

1. Тайёргарлик ишларига нималар қиради?
2. Кузги, қишиқи ишлар туркимиға нималар қиради?
3. Баҳорги ишлар туркимиға нималар қиради?
4. СФРга қай вактда ўзгартиришлар киритилади?
5. Суғориш усууллари неча ҳил?
6. Суғориш далалари неча ғилда текисланади?
7. СФК нима?

Илова 7

Назорат саволлари :

1. Суғориш тармоқларини, техникасини суғориш мавсумига тайёрлаш;
2. СФРни тахлили қилиш ва ўзгартиришлар киритиши;

3. Эксплуатацион баҳолаш ва сұғориш усулини танлаш;
4. Сұғориш ишларини ташкиллаштириш ва амалға ошириш;
5. Сұғориш назорати ва сувдан фойдаланиш коэффициенті

Илова 9

Адабиётлар рўйхати

1. Б.С.Серикбаев, Ф.А.Бараев. Гидромелиорация тизимларидан фойдаланиш, Тошкент, ТИМИ, 2008.
2. Б.С.Серикбаев, Ф.А.Бараев. Эксплуатация гидромелиоративных систем. Ташкент, ТИИМ. 2012.
3. ГМТФ фанининг ўқув услубий мажмуаси электрон версияси. ТИМИ, 2011.
4. ГМТФ кафедраси фанлари бўйича тажриба ишларни бажариш методик кўрсатмалар туплами. ТИМИ, 2011.
5. Б.С.Серикбаев, Ф.А.Бараев ва бошқалар. Практикум по эксплуатации гидромелиоративных систем, Ташкент, Мехнат, 2012.
6. Гидромелиорация тизимларидан фойдаланиш фани амалий ва курс лойиҳаларини бажариш бўйича ўқув қўланма, Тошкент, ТИМИ, 2008.

5-мавзу: Сув тежовчи сұғориш тизимларини амалда қўллашни давлат томонидан рағбатлантирилиши. (4 соат)

Режа:

1. Сув тежовчи сұғориш тизимлари бўйича Конунлар ва меъёрий хужжатларнинг моҳияти.
2. Сув тежовчи сұғориш тизимларини амалда қўллашда солиқдан озод қилиш, имтиёзли кредит ажратиш, арzon нархда хомашё ажратиш, тежалган сувдан фойдаланиш тўғрисидаги хукуқлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хом ашёсини етиширишда томчилатиб сұғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4087-сонли қарори.

Қонунлар ва меъёрий хужжатларнинг моҳияти

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг унинг иқтисодиётининг муҳим секторларидан бўлмиш Қишлоқ хўжалиги секторида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. Бунга Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва хукумати томонидан қабул қилинган Қишлоқ ва сув хўжалигига оид қонунлар, фармонлар ҳамда қарорлар хукуқий муносабатларни жорий этиб кўп тармоқли иқтисодиятни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган катта имкониятларни очиб берди. Республикада пахта якка ҳокимлигига барҳам бериш ва экин майдонлари таркибини илмий асослашни қайтадан кўриб чиқиш тадбирлари яратилди. Бозор иқтисодиёти шароитида Республикада энг муҳим ҳисобланган озиқ овқат ресурслари билан таъминлашга эришиш вазифаси қуйилди. Республикани ғалла мустақиллигини таъминлаш мақсадида пахта майдонлари

қисқартирилди, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга катта аҳамият берилди. Қишлоқ хўжалик соҳасидаги зарап кўриб ишлаётган давлат хўжаликлари, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаган хўжаликлар, хўжалик юритишнинг фермер ва дехқон хўжаликлари шаклларига ўтказилиб ерлардан иқтисодий самара кўпроқ олина бошланди. Қишлоқларда янгича иқтисодий муносабатларни кенгрок ва чукурроқ жорий этилиши, уларни қонуний асосларда мустаҳкамланишини тақазо этади. Шу манода қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислоҳатларнинг қонуний заминини яратиш, ижтимоий сиёсий ҳаётнинг ҳуқуқий асосларини изчиллик билан мустаҳкамланиши муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун қонунларни ва айниқса идоравий норматив ҳужжатларни ўз вақтида ўрганиш ва чукур билиш салмоқли аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни

Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғриси»ги қонуни 29 та боб 119 та моддадан иборат бўлиб, унга 1993 йил 6 май куни имзо чекилган. Қонуннинг вазифалари сувга доир муносабатлари тартибга солиш, аҳоли ва ҳалқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан оқилона фойдаланишдан, сувни бўлғаланиш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлашдан, сувнинг заарали таъсирларини олдини олиш ва уни бартараф қилишдан, сув обьектларининг ҳолатини яхшилашдан, шунингдек сувдан муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, дехқон хўжаликлари ва фуқороларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатdir (1-модда).

Сув тўғрисидаги қонунлар (2-модда), сувга давлат эгалиги (3-модда), ягона давлат сув фонди таркиби сифатида (4-модда) қонунлар белгиланган.

Қонунда давлат хокимияти ва бошқаруви органларининг сувга доир муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги вилоятлари (5,6,7-моддалар)да белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси

Ўзбекистонда Қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер давлат мулки ҳисобланади. Давлат Қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган корхоналар ва хўжаликларга, шунингдек фуқороларга муддатсиз ёки вақтинчалик фойдаланиш учун ер ажратиб берилади. Давлат ер фонди ер эгалиги ёки ердан фойдаланувчилар худудидаги барча ерларни ҳайдалма ерлар, аҳоли пунктлари ерлари, дарахтзорлар, яйлов, пичанзор, ўрмонзор қуриқ ерлар, саноат, транспорт алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларда мўлжалланган ерлар, заҳира ерлар ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Ўзбекистонда кейинги 90 йилда сугориладиган ерларнинг майдони 2,4 марта кўпайди (1914 йилда 1809,5 минг.га 1889 йилда 4,295 минг.га) кейинги ун йилликларда ирригация мелиорацияга катта эътибор берилди. Республика аҳолиси сонининг ўсиш суръатлари сугориладиган ерларни кенгайтириш суръатларидан ўсиб кетиши натижасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган сугориладиган ҳайдалма ер майдони йилдан йилга камайиб 0,35 га дан 0,17 га борди, ерлардан оқилона фойдаланиш уларни муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш табиий муҳитни асраш ва яхшилаш, хўжалик юритишнинг ҳамма шаклларини тенг ҳуқуқлар асосида ривожлантириш учун шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси 1998 йил 30 апрел қабул қилинган Кодекс 14 боб 91 моддадан иборат бўлиб ер фонди таркиби. Ер тўзиш тартиби жумладан ер мониторинги, давлат ер кадастрини юритиш белгиланган. Давлат ер кадастри ернинг қиймати баҳосини аниқлаш учун асос бўлади ва унинг маълумотлари ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда, ер участкаларини беришда ер учун тўланадиган ҳақ микдорини белгилашда ва ҳоказоларда тадбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни

Дехқон хўжаликларини ташкил этиш уларнинг фаолияти ва тугатилишининг хуқуқий асослари, хуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларини тартибга солади. Ушбу қонун 1998 йил 30 апрел қабул қилиниб 7 та боб 31 та моддадан иборатdir. Дехқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиради ва реализация қиласи. Дехқон хўжалиги ўз фаолиятида ёлланма меҳнатдан доимий фойдаланиши мумкин эмас деб қонунни 1 моддасида белгиланган. Дехқон хўжалигини ташкил этиш тартиби 5 моддада келтирилган бўлиб, у ихтиёрийлик асосида, хўжалик бошлиғининг қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувига ёхуд бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг иш берувчисига (маъмуриятига), ҳамда туман ҳокимига ёзма мурожаатига асосан ташкил этилади. Ушбу моддада дехқон хўжалигига ер бериш ва рухсатга олиш тартиби келтирилган.

Дехқон хўжаликларига ер бериш тартиби қонуни 8 моддасида келтирилган бўлиб дехқон хўжалиги юритиш учун сугориладиган ерларда 0,35 гача, сугорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5га гача чўл ва саҳро минтақасида эса 1 га гача ўлчамда ер участкалари берилиши, фуқороларга дехқон хўжалиги юритиш учун 0,06 га доирасида томорқа ер участкаларига мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилиш, хукуқи ким ошиди савдоси асосида реализация қилиниши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни

«Фермер хўжалиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни тўғрисида Фермер хўжалигини ташкил этиш, уларнинг фаолияти қайта ташкил этилиши тугатилмешмнинг хуқуқий асосларини, хуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларини тартибга солади. Ушбу қонун ҳам 1998 йил 30 апрелда қабул қилиниб 6 боб 36 моддадан иборатdir. Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддати (10 йилдан 50 йилгacha) ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг (оила аъзолари, кариндошлари, ҳамда меҳнатга қобилиятни ёшга егган бошқа шахслар) биргалиқда фаолиятига асосланган, юридик шахс хуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектда.

Президентнинг фармонлари, қарорлари ва меъёрий хужжатлар (Сув хўжалигига доир)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра, 2007 йилда 29 октябрда ПФ-3932-сонли «2008-2012 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармони.

Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Жамғармаси ташкил этилди.

49 та Давлат унитар корхоналар (ДУК) ташкил этилди. Узмелиомашлизинг компанияси ташкил этилди.

Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган Давлат Дастури қабул қилинди.

Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш

Мелиоратив ишларни амалга ошириш учун:

Давлат бюджетидан 750 млрд.сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

“Узмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси ҳамда 49 та давлат унитар корхоналари

ташкыл этилди

Президентнинг фармонлари, қарорлари ва меъёрий хужжатлар (Сувхўжалигига доир)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПҚ-1958-сонли қарорининг бажарилиши 2018 йилда ҳам давом этирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 авгуstdаги 385-сонли қарори «Ўзбекистон Республикасида сув чекланган худудида фойдаланиш бўйича вақтичалик тартиб» талабларни бўзилганда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Узсувназорат» Республика сув инспекция томонидан маҳсус шакилдаги «Далолатнома» тузилиб, сувдан фойдаланиш қонун ва қоидаларини бузганлик учун жарима солиш хакида «Туловнома» орқали жарима солинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб сугориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПҚ-4087-сонли қарори

Томчилатиб сугориш технологиясини жорий қилган пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, томчилатиб сугориш тизимлари ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчилар давлат томонидан қўшимча равища қўллаб-қувватланади. Аниқ чора-тадбирлар Президентнинг 28.12.2018 йилдаги қарорида белгиланган, унинг матни [ЎзАда эълон қилинган](#).

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қўйидагилардан иборат:

- a)** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб сугориш технологияларини жорий қилиш учун пахта хом ашёси экиладиган майдоннинг ҳар бир гектарига 8 млн сўм субсидия тақдим этилади;
- б)** Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан пахта хомашёси ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб сугориш тизимларини куриш, реконструкция қилиш ва уларнинг бутловчи қисмларини сотиб олиш учун ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатлари тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасидан бир гектарга 20 млн сўмдан ошмайдиган қисмининг 10 фоизли пункти миқдорида қопланади;
- в)** бюджет маблағларини олувчилар билан тузиладиган импорт шартномаларини экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш талаби пахта хомашёси ишлаб чиқарувчилари томонидан томчилатиб сугориш технологиясини жорий этиш бўйича ишлар доирасида тузиладиган импорт шартномаларига татбиқ этилмайди;
- г)** пахта хомашёсининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилари, шунингдек, томчилатиб сугориш тизими ишлаб чиқарувчилари томонидан олиб кириладиган, томчилатиб сугориш технологиясини жорий этиш учун зарур бўлган бутловчи қисмлар ва хомашё 2021 йилнинг 1 январига қадар алоҳида рўйхатга (*материални тайёрлаш пайтида эълон қилинмаган*) мувофиқ божхона божини тўлашдан озод этилади.

2019 йилда пахта хом ашёсини ишлаб чиқарувчиларнинг томчилатиб сугориш технологиясини жорий қилиш билан боғлиқ, шунингдек, тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизларини қоплаш харажатлари учун 120 млрд сўм ажратилади. Бу харажатларни коплаб бериш тартиби Молия вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиб, бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Томчилатиб суғориш тизими ва унинг таркибий қисмлари билан танишиш. (2 соат)

Режа:

1. Томчилатиб суғориш техникаси элементлари
2. Томчилатиб суғориш жихозлари ва иншоатлари ўлчовлар
3. Насос қурулмаси, фильтрловчи ва ўғит тайёрловчи қурулмалар.

Таянч сўзлар: Сув ресурслари, сувлар сифати, тупроқ ва ўсимликларнинг сув режими, суғориш, суғориш турлари, ерларни районлаштириш, иқлим миңтақалари, гидрогеологик районлар, гидромодуль районлар суғориш режими, суғориш усуллари, суғориш техникаси, сувдан фойдаланиш.

Илова 1

Фаннинг мақсади

РЕСУРС ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ЖАРАЁНИ

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Жамғармаси, кенгашининг 2013 йил 1 майдаги 03/1-250-сон баён қарорига асосан, вилоятлар бўйича қуйидаги топшириқлар берилган:

Фермер хўжаликларининг кредит ва ўз маблағлари ҳисобидан ғўзани кўчма эгилувча қувурлар ёрдамида суғоришни жорий қилиш ишларини бошланди.

Кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш технологиясини жорий қилиш шарт-шароитлари ва таркиби

Кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш технологияси қатор қилиб экиладиган ғўза, кузги бошоқли дон, пиёз, памидор, кунгабоқар, лавлаги ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда жорий қилиш тавсия этилади.

Бунда, экин майдони бошидан ўтадиган темир-бетон лоток тармоғи, бетон канал ёки ер ариқда сув сатҳи экин майдонига нисбатан 20-30 см ва ундан ортиқ бўлиши лозим. Сув олиш манбаидаги сув сатхининг экин майдонидан баланд бўлиши, сувни эгилувчан қувурлар орқали экин майдонининг барча участкаларига равон етказиш имконини беради.

Агар экин майдони тупроғининг шўрланиш даражаси ўртача ва кучли бўлиб, суғориш ишлари ер участкасини полларга (челларга) бўлиб, бостириш усулида амалга оширилса, бундай ҳолатда ушбу технологияни жорий қилиш тавсия этилмайди.

Бу технологияни, шунингдек, босимли қувур тармоғи ҳамда суғориш ёки вертикал дренаж қудуқларидан сув олган ҳолда ҳам кенг қўллаш мумкин.

Сув манбаидаги сув тиниқ ёки кам лойқали бўлиши лозим.

Қувур ичида ўтириб қолган лойқа, суғориш ишлари тугагандан сўнг, қувурни маҳсус мослама билан ўраб олиш жараёнида тозаланади. Эгилувчан қувур ичидаги лойқа тик суғориш ёки дренаж қудуғи ёрдамида ва бошқа усуллар билан ҳам тозаланиши мумкин.

Сув таркибida лойқа миқдори катта ва қум заррачasi қўп бўлган ҳолда, кичик нишаблик майдонларда эгилувчан қувур ичида лойқа ва қумнинг бир қисми ўтириб, қувурни тозалаш қўшимча иш талаб этиши мумкин.

Илова 2.

Кўчма эгилувчан қувурлар комплектининг таркиби.

1. Сув олиш қисми - сифонли ёки қувурли сув чиқаргичдан иборат .

Сифон - полимер ёки пластмассадан тайёрланган диаметри 160-200 мм, узунлиги 6 метр бўлган қабирғали (гофрали) эгилувчан қувурдан иборат. 105

Диаметри 160 мм бўлган сифон, сув етказувчи эгилувчан қувур диаметри 200 мм бўлган ҳолатда, диаметри 200 мм бўлган сифон эса сув етказувчи эгилувчан қувур диаметри 315 мм бўлган ҳолатда ишлатилади.

Қабирғали эгилувчан қувур —Махсусполимер‖ ОАЖ қўшма корхонасида ишлаб чиқарилади.

Қувурли сув чиқаргич - диаметри 200-300 мм, узунлиги 1,0 м бўлган полиэтилен ёки платмассадан тайёрланган қабирғали (гофрали) қувурдан иборат.

Агар фермер хўжалигининг сув олиш қулоги қувурли сувни ростлаш воситаси билан жиҳозланган бўлса, бундай ҳолатда сув эгилувчан қувурни тўғридан-тўғри унга уланган ҳолда олинади.

Қувурли сув чиқаргичнинг кириш қисми барча ҳолатда қувур тармоғига ўт, хашак ва бошқа йирик жинслар кирмаслиги учун катаклари 5-8 мм атрофида бўлган металл ёки полиэтилен сетка билан жиҳозланади.

Полиэтилен ёки металл сетка ташқи ўлчами 500x500 мм лик метал симли ромга тортилади ёки боғланади.

Суғориш жараёнида вақти-вақти билан сетканинг олдида тўпланиб қолган ўт, хашак ва бошқа йирик жинслардан қўл билан тозалаб турилади.

Қабирғали қувур —Махсусполимер‖ ОАЖ қўшма корхонасида тайёрланади.

Сетка —Суғориш‖ МЧЖда тайёрланади.

2. Сув етказувчи қисм – сувни сифон ёки қувурли сув чиқаргичдан сув тақсимловчи қувурларга етказувчи, диаметри 200 ёки 315 мм бўлган эгилувчан полиэтилен қувурлардан иборат.

Сув етказувчи қувур диаметри суғориладиган экин майдони узунлигига, нишаблигига, бир пайтда сув тараладиган эгатлар сонига ҳамда сув манбаидан сув олиш миқдорига боғлиқ. 106

Эгат узунлиги 200 м ва ундан кичик ҳамда сув манбаидан зарур миқдордаги сувни олиш имкони бўлганда, сув етказувчи қувур диаметри 200 мм бўлиши мумкин. Қолган барча ҳолларларда эса сув етказувчи қувур диаметри суғориш ишларини тез амалга ошириш учун. 315 мм бўлгани мақсадга мувофиқ.

Сув етказувчи қувурлар фойдаланиш қулай бўлиши учун, узунлиги 100 метр бўлиб, диаметри 90 мм бўлган полиэтилен ўзакка ўралган ўрам ҳолда бўлади. Полиэтилен ўзак узунлиги 315 мм лик қувур учун 620 мм, 200 мм лик қувур учун 420 мм бўлади. Сув етказувчи қувур узунлиги ёки ўрамлар сони эгат узунлигидан 100 м кам ёки шох ариқлар сонидан битта кам бўлади. Масалан, эгат узунлиги 400 м бўлса, узунлиги 100 метрдан 3 та сув етказувчи қувур ўрами керак бўлади.

Агар экин майдонига, сув битта сув олиш қулогидан олинса, унда суғориладиган майдон энидан 100 метрдан кам бўлган қўшимча сув етказувчи қувур талаб этилади.

3. Сув тақсимловчи қисм – сувни эгатларга тақсимловчи диаметри 200 мм, узунлиги 100 метр бўлган эгилувчан полиэтилен қувурлардан иборат.

Сув тақсимловчи қувурлар фойдаланиш қулай бўлиши учун узунлиги 100 метр бўлиб, диаметри 90 мм бўлган полиэтилен ўзакка ўралган ўрам ҳолда бўлади. Полиэтилен ўзак узунлиги 420 мм бўлади.

Сув етказувчи қувур ўрамлар сони шох ариқлар сонига teng бўлади. Масалан, эгат

уузунлиги 400 м бўлса, экин майдони 100 метрдан 4 та шох ариққа тақсимланади ва 4 та сув етказувчи қувур ўрами керак бўлади.

Сув тақсимловчи эгилувчан қувурлар қишлоқ хўжалиги экинларининг қатор оралиғига ва сув тараф тартибига қараб, диаметри 10-20 мм қилиб тешилади. Агар сув ҳар эгатдан таралса, тақсимловчи қувур ҳар эгат тенгидан тешилади. Ўзга ва кузги бошоқли дон экин майдонлари 60 сантиметрдан (қатор ораси 60 см бўлса) ёки 90 сантиметрдан (қатор ораси 90 см бўлса), сабзавот экинлари эса 70 сантиметрдан (қатор ораси 70 см бўлса), тешилади.

Агар экин қатор оралатиб сугорилса, қувур мос равишда ҳар 1,2 метр, 1,8 метр ёки 1,4 метрдан тешилади.

Тақсимловчи қувур қўлда маҳсус тешгич билан тешилади. Тешик диаметри эгатга бериладиган сув микдорига боғлиқ бўлиб, 10-20 мм бўлади. Қумоқ ва тошлок ерларда, эгат нишаблиги кичик ерларда тешик диаметри 20 мм, қолган ҳолларда 15 мм бўлиши мумкин. Агар тупроқ сувга ювилувчан ва ер участкаси катта нишабликка эга бўлса, тешик диаметри 10 мм бўлиши мумкин.

Тешик диаметри сувчи томонидан сувни эгатда юришини ва тупроқни намланишини ҳамда сувни микдорини эътиборга олиб, экинни сугориш жараёнида танлаб олиниши мумкин. Тешик дастлаб кичик тешилган бўлса, ундан чиқадиган сув микдорини кўпайтириш учун маҳсус тешгич билан тезда қайтадан тешиш мумкин.

Тақсимловчи эгилувчан қувур тешигидан чиқадиган сув микдорини камайтириш ёки бутунлай ёпиш учун тешиклар маҳсус клапан билан жиҳозланади.

Клапан - қалинлиги 0,5-1,0 мм бўлган - ички ва 4-5 мм бўлган – ташқи даифрагмадан иборат. Диафрагмалар фойдаланишда бўлган велосипед ва автомобил шиналаридан тайёрлананиши мумкин.

Сув чиқадиган тешик диаметри 10 мм бўлганда - диафрагма диаметри – 20-25 мм, 15 мм бўлганда – 30-35 мм, 20 мм бўлганда эса -40-45 мм атрофида бўлади.

Клапанлар, кейинчалик комплект таркибида бериладаиган мосламалар билан фермернинг сувчиси томонидан талабга қараб кўпайтириб олиниши мумкин.

Эгилувчан қувурлар —Жиззахпластмасса|| ОАЖда ишлаб чиқилади.

Сув тақсимловчи эгилувчан қувурни тешгич ва клапанни ясаш мосламалари —Сувчи|| МЧЖ томонидан тайёрланади ва эгилувчан қувур комплектида бўлади. 108

4. Тирсаклар - сув етказувчи қувурлар билан сув тақсимловчи қувурларни боғловчи полиэтилен ёки платмасса қувурлар конструкцияларидан иборат. Тирсак конструкцияси сув етказувчи ва сув тақсимловчи қувур диаметрига ҳамда тақсимловчи қувурнинг ҳолатига боғлиқ.

Агар сув етказувчи ва сув тақсимловчи қувур 200 мм бўлса, тирсакларнинг барча тешиклари диаметри 200 мм, агар сув етказувчи қувур 315 мм бўлса, тирсакнинг 2 та тешиги 300 мм, қолган 2 таси 200 мм бўлади. Тирсакларга эгилувча қувурлар кийдирилиб, йўғон ип ёки резина билан боғланади, диаметри 25, 36 ва 42 мм дан 50 донадан бўлади. Сугорища етишмайдиган қисмини сувчи ўзи тайёрлайди;

Тирсаклар —Махсусполимер|| ОАЖ кўшма корхонасида тайёрланади.

5. Филдираклар – диаметри 550 мм дан 2 донадан бўлади. Филдираклар полиэтилен ўзакка икки томондан қотирилади ва сугориш ишлари якунлангандан сўнг, эгилувчан қувурларни йиртилмасдан, ихчам қилиб ўраб олишда ишлатилади.

Тешгичлар ва филдираклар —Сугориш|| МЧЖда ишлаб чиқилади.

Эгилувчан құвурларга сув олиш усуллари

Сув манбайыннан турига қараб, эгилувчан құвурларга сув олиш бир-биридан фарқ қилади.

1. Сувни сифон ёрдамида олиш. Сув манбаидаги сув сатхы экин майдони юзасидан етарлича (50 см ва ундан баланд) бўлса, сувни сүгориш тармоғини тешмасдан сифон ёрдамида олса бўлади. Аксарият, темир-бетон лоток тармоғида бундай имконият мавжуд.

2. Сувни құвурли сув чиқаргичдан олиш. Агар темир-бетон лоток тармоғи олдиндан тешилган бўлса, ушбу тешик қопоғли сув чиқаргич құвур билан жиҳозланиб, сув етказувчи эгилувчан құвур унга боғланади. 109

Агар фермер хўжалигининг сув олиш қулоғи құвурли сув чиқаргич билан жиҳозланган бўлса, сув етказувчи эгилувчан құвур тўғридан-тўғри шу құвурга боғланади.

Ер ариқ фақат битта фермерга хизмат кўрсатса, ариқнинг сув олиш жойи ўйилади ва құвурли сув чиқаргич кўмилади. Сув эгилувчан құвурга ушбу құвурли сув чиқаргич орқали олинади.

3. Сувни тик сүгориш ва дренаж қудуқдан олиш. Тик сүгориш ва дренаж қудуқдан сув олиш учун, аввалам бор, қудуқ сувни ростлаш воситаси (задвижка) билан жиҳозланган бўлиши лозим. Акс ҳолда, катта босим билан чиқаётган сув эгилувчан құвурни ёриб юбориши мумкин.

Қудуқнинг сув чиқариш қисми ердан 0,5 метргача бўлса, сув эгилувчан құвурга тўғридан-тўғри олиниси мумкин.

Қудуқнинг сув чиқариш қисми ердан 0,5 метрдан баланд бўлса, метал құвур қўшимча равища узайтирилиб, ерга 30-50 см гача яқинлаштирилади ва эгилувчан құвур дренаж қудуғининг ушбу металл құвурига уланади.

Тик сүгориш ва дренаж қудуқнинг сувни темир-бетон лоток тармоғи, канал ёки ҳовузга тушса, сув ушбу тармоқдан құвур ўрнатиб олинади.

Эгилувчан құвур йиртилиб кетмаслиги учун, сифон қувурининг бош қисми дренаж қудуқ құвурига кийдирилиши, иккинчи томонига эса эгилувчан құвур уланиши мумкин. Фермер сувчиси ҳар бир ҳолатни ички имкониятни ўзи баҳолаб, тегишли тавсиядан фойдаланади.

Кўчма эгилувчан құвурлар ёрдамида сүгориш усуллари ва тартиби

Кўчма эгилувчан құвурлар ёрдамида сүгориш усули экин майдонининг ўлчамларига, нишаблигига, текисланганлигига, тупроқ таркибиغا ва экин турига боғлик.

Сүфоргандан кейин, қатор орасига ишлов бериладиган тўза ва бошқа экинларни сүфорища, сувни тежаш ҳамда культивация ишларини сифатли амалга ошириш мақсадида, экин майдони участкаларга бўлиниб, навбатлаб узунасига бир вақтда сүфорилади.

Йўналтирувчи саволлар

6. Ерларнинг мелиоратив холати деганда нимани тушунасиз?
7. Сув истрофгарчилигига қарши комплекс чора – тадбирлар деганда нимани тушунасиз?
8. Сувдан фойдаланишининг ресурстежамкор услуги деганда нимани тушунасиз?
9. Ресурстежамкор усуллардан қайсиларини биласиз?

Назорат саволлари :

4. Ресурстежамкор тушунчаси нима?
5. Ўзбекистон Республикасида ресурстежамкор технологияларнинг қўлланганлик даражаси қандай даражада?

Илова 6

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ritzema H.P. (Editor-in-Chief), 2006. Drainage Principles and Applications. Wageningen, Alterra, ILRI Publication no. 16, pp.1125.
2. Маматов С.А. “Томчилатиб суғориш тизими”. Кўлланма. Т. “Мехридарё”, 2012, 80 бет.
3. Рахимбоев Ф.М. “Практикум по сельскогохозяественному гидротехническим мелиорациям” Т. “Мехнат». 1991, 391 бет.

2-мавзу. Томчилатиб суғориш тизими ва унинг таркибий қисмларини такомиллаштириш ҳамда қувурларни гидравлик ҳисоби.

(2 соат)

Режа:

1. Томчилатиб суғориш тизими ва унинг таркибий қисмларини такомиллаштириш.
2. Томчилатиб суғориш тизимининг схемалари ва тавсифи
3. Томчилатиб суғориш тизимининг гидравлик ҳисоб китоблари.

Таянч сўзлар: Сув ресурслари, сувлар сифати, тупроқ ва ўсимликларнинг сув режими, суғориш, суғориш турлари, ерларни районлаштириш, иқлим минтақалари, гидрогеологик районлар, гидромодуль районлар суғориш режими, суғориш усууллари, суғориш техникаси, сувдан фойдаланиш.

Илова-1

Томчилатиб суғориш тизимини лойиҳалашда қўйидаги амаллар кетма-кет бажарилиши лозим:

Участка харитасига томчилатиб суғориш тизимининг схемаси чизиб чиқилади. Томчилатиб суғориш тизимининг сув бериш иншоотлари (ховуз, насос, фильтр, ўғит эритмаси тайёрлаш) участканинг энг баланд нуқтасида ёки участканинг ўртасида жойлаштирилади. Магистрал қувурлар узунлиги энг кам бўладиган томчилатиб суғориш тизими схемаси танлаб олинади.

Томчилатиб суғориш тизимини қуриш ҳаражатларини камайтириш мақсадида, секторларга бўлиб чиқилади. Секторнинг майдони қанча кичик бўлса, суғоришга сарфланадиган энергия сарфи ҳам шунча кичик бўлади.

Суғориш вақтида сув бутун участкага эмас, балки фақат битта секторга берилади, яъни секторлар навбат билан суғорилади. Натижада, қувурларнинг энг кичик диаметрини ҳамда сув насоси ва фильтрнинг кам қувватли маркасини танлаш имконияти яратилади.

Ҳар бир секторда етиштирилдиган экинларнинг жойлашишига қараб, томчилатиб суғориш тизимининг тарқатувчи қувурлари жойлаштирилади. Тарқатувчи қувурлар секторнинг чети ва ўртасидан ўтказилади.

Томизгичли шланглар тарқатувчи қувурга перпендикуляр равища эгатлар ёки дараҳт қаторлари бўйлаб ётқизилади. Бунда участканинг томизгичли шланг ётган қисми нишаблиги 3 метрдан ва шлангнинг узунлиги 150 метрдан ошмаса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шланг қанча узайса, тизимнинг самарадорлиги шунча пасаяди.

Одамда, томчилатиб суғориш шлангининг узунлиги даланинг ўзига хослигидан

келиб чиқиб қуидаги қоидалар асосида танланади:

- узун бўлган томчилатиб сұғориш шлангларини мавсум бошида ёйиш ва мавсум охирида ийфиштириш қийин;
- битта тарқатувчи қувурга уланадиган томизгичли шлангларнинг узунлиги ва улардаги томизгичлар сони иложи борича бир хил бўлиши лозим;
- юқори босимда ($1,5\text{--}2,5 \text{ кг}/\text{см}^2$) ишловчи томчилатиб сұғориш шлангларидан соатига энг кўпидан 600 литргача сув ўтади.

Шунинг учун уларнинг узунлиги 100-150 метр оралиғида бўлгани маъқул:

Ер юзаси текис участкаларда эса тарқатувчи қувурларни магистрал қувурнинг ён қисмига улаш мумкин. Тарқатувчи қувурлар, одатда, тупроқ остига $0,15\text{--}0,25 \text{ м}$ чукурликда ётқизилади.

Магистрал қувурлар фильтрлаш станциясидан секторларгача ўтказиладиган йўлга параллел равишида ётқизилади.

Томчилатиб сұғориш тизимининг магистрал қувурлари, одатда, $0,3\text{--}1,5 \text{ м}$, тарқатувчи қувурлари $0,15\text{--}0,25 \text{ м}$ чукурликка ётқизилади, томизгичли шланглари эса ер бетида ётади.

Томчилатиб сұғориш тизимининг тарқатувчи қувурлари магистрал қувурларга тутунлар ёки гидрантлар ёрдамида уланади.

Магистрал қувур фильтрлаш қурилмасига, ундан кейин насосларга уланади. Насослар эса ҳовуз-тиндиргичга ёки сув идишига (бак) уланади.

Секторлар ва қувурларнинг ётқизилиш чизиклари аниқланиб, қуриш схемасига туширилгандан сўнг, ҳар бир секторга бериладиган сув миқдори (Q) аниқланади.

Бунда аввало, томизгичли шлангнинг бутун узунлигидаги томизгичлар ва уларнинг йифинди сув сарфи аниқланади. Бунинг учун шлангнинг узунлиги бир метрдаги томизгичлар сонига кўпайтирилади. Олинган натижа, бир томизгичнинг сув сарфига кўпайтирилади. Сұғориш шлангига бериладиган сувнинг сарфи қуриш схемасига ёзиб чиқилади. Ёзувлар тарқатувчи қувурнинг диаметрини аниқлашда асос бўлиб хизмат қиласи. Сұғориш секторидаги барча томизгичли шлангларнинг сув сарфлари йифиндиси секторнинг сув сарфи сифатида қабул қилинади.

Энг катта секторнинг сув сарфи (Q), томчилатиб сұғориш тизимининг ҳисобий сув сарфи (Q_x) сифатида қабул қилинади.

Тарқатувчи қувурларнинг диаметри ҳар бир секторнинг ҳисобий сув сарфи (Q) га мос равишида асосида танланади.

Магистрал қувурнинг диаметри шу жадвал асосида лойиҳавий сув сарфи ($Q_{\text{л}}$) бўйича танланади. Тизимнинг лойиҳавий сув сарфи ($Q_{\text{л}}$) эса, ҳисобий сув сарфи (Q) ни 30% га ошириш орқали тайиланади.

Илова-2

ТОМЧИЛАТИБ СҰҒОРИШ ТИЗИМИНИ ҚУРИШ, ИШГА ТУШИРИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ

Томчилатиб сұғориш тизимлари тизимнинг лойиҳаси асосида қурилади.

Тизимни қуриш иншоотлар жойлашадиган ва қувурлар ётадиган жойларни участка майдончасида белгилаб чиқишидан бошланади. Белгилаб чиқилган жойларда, биринчи навбатда, тупроқ ишлари бажарилади. Бунинг учун иншоотлар ва қувурлар ўрни механизмлар ёрдамида ковланади.

Худди шу даврда ўрамларда полиэтин қувурларни тўғрилаб, тизим схемасига мос равишида ёйиб ерга ётқизиб қўйилади. Қувурлар бундай ҳолатда тўлиқ тўғирлангунча

(камида бир сутка) ётиши лозим.

Ундан кейин, магистрал қувурларнинг тарқатувчи қувурлар уланадиган нуқталарида тарқатиш тугуни учун тешик очилиб, у ерга учлик, штуцер ва сувни очиб-ёпувчи механизмлар (вентил, соққали кран ва бошқалар) уланади.

Тарқатиш тугунининг чиқиши жойига тарқатувчи қувурлар уланади.

Магистрал қувур ва тарқатувчи тугунлар ерни кавлаб 0,25 м чуқурликка жойлаштирилади. Тарқатувчи тугунлар $0,5 \times 0,5$ м катталиқдаги қопқоқли қутига жойлаштирилади. Уланган қувур ва элементлар траншея (ариқлар) га ётқизиб чиқилади.

Томчилатиб суғориш тизимининг томизгичли шланглари бир йиллик экинлар етишириладиган далаларда эгат ариғи ичига ётқизилади, боғ ва узумзорларда эса дархтлар орасига тортилган энг пастдаги симга илиб қўйилади. Бунда томизгичли шланг таранг тортилиб қолмаслиги керак. Шлангнинг бўш туриши уни ҳаво ҳарорати ўзгаришларига бардошлилигини таъминлайди.

Тарқатувчи қувур ва томизгичли шлангларнинг охири тиқинлар билан беркитиб қўйилади ёки қувур орқага қайриб боғлаб қўйилади.

Томизгичли шланг экиннинг иккита қатори оралиғида жойлаштирилганда, экин қаторлари орасидаги масофа 0,5-0,6 метрни (энг яхши саналади) ташкил қиласди.

Илова-3

ТОМЧИЛАТИБ СУГОРИШ ТИЗИМИНИ ИШЛАТИШ

Томчилатиб суғориш тизимларини ишлатиш ўзига хос ёндошувни талаб қиласди.

Бунда тизимнинг герметиклигига асосий эътибор қаратилиши ва уни доимо текшириб турилиши лозим. Агар тизимнинг бирон бир жойидан сув оқиб чиқаётган бўлса, дархол уни бартараф қилиш чорасини кўриш керак. Акс ҳолда тизимнинг асосий вазифаси, сувни даланинг ҳамма нуқтасига бир хилда етказиб бериш амалга ошмайди ва сув билан бирга бериладиган ўғитлар ҳам бир текис етиб бормайди. Оқибатда, тизимнинг самарадорлиги йўқолади.

Томчилатиб суғориш тизимларини бир ойда 2 марта ювиб туриш тавсия қилинади. Бунинг учун шлангларнинг охиридаги тиқинлар, навбати билан 3-4 сонияга очиб қўйилади.

Тизимнинг шлангларида қотган тузларни эритиш ва ёпишган сув ўтларини чиқариб юбориши учун мавсум давомида, қувур ва шлангларга 1-2 марта азот кислотасининг 0,5 % ли эритмасини юбориши тавсия қилинади. Ундан 15-20 соат ўтгандан кейин, ҳар бир сектор тоза сув билан ювиб ташланиши лозим. Мавсум охирида эса тизимга азот кислотасининг 2-3 % ли эритмаси билан ишлов бериш тавсия қилинади.

Мавсум охирида томизгичли шланглар штуцер-дросселлардан ажратилади ва уларнинг ўрнига қопқоқлар кийдирилади. Бу амал тизим қувурларини ифлосланишдан сақлайди. Томизгичли шланглар даладан йиғиб олиниб, омборларга қўйилиши олдидан, шлангларга хлорид кислотасининг 1-3 % ли эритмаси билан ишлов бериш тавсия қилинади.

Қишки мавсумда тизимнинг барча соққали кранлари мавсум оралиғида очиқ ҳолда қолдирилиши лозим. Навбатдаги мавсум олдидан (баҳорда) эса, уларни яна бир бор ювиб ташлаш тавсия қилинади.

I. Далани суғориш шланги: $l = 150$ п / м, томчилаткичлар орасидаги масофа 30 см, томчилаткичларнинг сони 500 дона. Томчилаткичлар орқали ўтиладиган сув микдори $q = 1$ л / с. Далани суғориш шланги тарқатиш сув сарфи $Q_p = 500$ л / $Q_p = 0,5$ м³ / с;

II. Тақсимловчи қувурлар: $d = 110$ мм, $L = 300$ п/м, уланишлар орасидаги масофа 0,9 м, уланишлар сони 330 дона. Сув микдори бирлик бирлиги бўйича уланиш қисмидан

ўтади $q = 0,5 \text{ м}^3/\text{соат}$. Кейин доимий сув сарфи тақсимловчи қувурлар орқали тарқатилади $Q_p = 165 \text{ м}^3/\text{соат} = 0,046 \text{ м}^3/\text{сек}$. Буни $\nu \neq 1 \frac{\text{м}}{\text{с}}$ хисобга олсақ қаршилик A куйидаги формула билан ҳисоблаш керак: $A = \kappa \cdot A'$, бу ерда: K -сариғланиш характеристикаси, κ -тузатиш коэффициенти. Ҳисобланган сув сарфи: $Q_{pacu} \approx 0,55 Q_p = 0,0253 \frac{\text{м}^3}{\text{с}}$,

$$Q_{pacu}^2 = 0,00064 \frac{\text{м}^6}{\text{с}^2}, \text{ агар } d = 110 \text{ мм, бы } A' = 323,9, \nu = \frac{Q_{pacu}}{0,785 \cdot (0,1)^2} = 3,2 \frac{\text{м}}{\text{с}}, \text{ шундан}$$

$$\nu = 3,2 \frac{\text{м}}{\text{с}}, \kappa = 0,3 \text{ ва кейин шуни оламиз } A = 97,2. \text{ Согласно } H = \frac{1}{3} \frac{Q^2}{K^2} \cdot L \text{ ва } A = \frac{1}{K^2}$$

шунга кўра: $H = 6,2 \text{ м}$. Бу шуни англатадики, тақсимловчи қувурда босим йўкотиш 6,2 м дир;

III. Магистрал қувур: $d = 160 \text{ мм}$, $l = 1500 \text{ п/м}$, уланишлар орасидаги масофа 300 м, уланишлар сони 5 шт. Туташувчи қисмидан ўтадиган сув сарфи $Q_{nodek} = 165 \frac{\text{м}^3}{\text{час}} = 0,046 \frac{\text{м}^3}{\text{с}}$, доимий узатувчи сув сарфи $Q_p = 165 \frac{\text{м}^3}{\text{час}} \times 5 = 825 \frac{\text{м}^3}{\text{час}} = 0,229 \frac{\text{м}^3}{\text{с}}$. Ҳисобий сув сарфи: $Q_{pacu} \approx 0,55 Q_p = 0,126 \frac{\text{м}^3}{\text{с}}$,

$$Q_{pacu}^2 = 0,016 \frac{\text{м}^3}{\text{с}}, H = \frac{1}{3} \frac{Q^2}{K^2} \cdot L \quad (1), \quad A = \frac{1}{K^2} \quad (2), \quad A = \kappa \cdot A'. \text{ Агар биз } d = 160 \text{ мм}$$

$A' = 45,91, \kappa = 0,1$ бўлса ва $A = 4,6$ ни олсақ, унда 1) га кўра, асосий трубадаги босим йўкотиш $H = 36,72 \text{ м}$. Шу билан боғлиқлиқда баъзи бир диктуюющих тугунларда керак бўлган сув сарфи ва эркин босим таминланмайди.

Илова - 4

Бажарилиш талаб қилинади.

1. Қишлоқ хўжалик экинлари учун суғориш режимини асослаш мониторинги.
2. Гидромодул районлаштириш мониторинги.
3. Хўжалиқда етиштириладиган экинларнинг суғориш режасини тахлил килиш ва энг қулай режани танлаш.
4. Ҳар бир экин учун суғориш режими жадвалини тузиш.
5. Ҳар бир экин учун ҳисобланган келтирилган гидромодуль қийматларига асосланиб, келтирилган гидромодул графигини тузиш.

Илова - 5

Йўналтирувчи саволлар

4. Томчилатиб суғориш тизими ҳақида маълумот беринг?
5. Томчилатиб суғориш тизимининг афзалликлари?
6. Томчилатиб суғориш тизимини лойиҳалаш?

Илова - 6

Назорат саволлари :

4. Томчилатиб суғориш тизимининг асосий мақсади?
5. Томчилатиб суғориш тизимининг афзалликлари нимадан иборат?
6. Томчилатиб суғориш тизимини лойиҳалаш кетма-кетлигини биласизми?

Илова - 7

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ritzema H.P. (Editor-in-Chief), 2006. Drainage Principles and Applications. Wageningen, Alterra, ILRI Publication no. 16, pp.1125.
2. Маматов С.А. “Томчилатиб сугориш тизими”. Күлланма. Т. “Мехридарё”, 2012, 80 бет.
3. Рахимбоев Ф.М. “Практикум по сельскогохозяественникм гидротехническим мелиорациям” Т. “Мехнат». 1991, 391 бет.

3-мавзу: Қишлоқ хўжалик экинларини сувга бўлган таълабини аниқлаш ва сугориш тартибини белгилаш.(2 соат)

Режа:

1. Қишлоқ хўжалик экинларини сувга бўлган таълабини аниқлаш усуллари
2. Қишлоқ хўжалик экинларини сувга бўлган таълабини аниқлаш.
3. Қишлоқ хўжалик экинларини сугориш тартибини белгилаш.

Таянч сўзлар: Сув ресурслари, сувлар сифати, тупроқ ва ўсимликларнинг сув режими, сугориш, сугориш турлари, ерларни районлаштириш, иқлим минтақалари, гидрогеологик районлар, гидромодуль районлар сугориш режими, сугориш усуллари, сугориш техникаси, сувдан фойдаланиш.

Илова 1

Ғўзани сугориш муддати ва меъёрлари ҳудуднинг сув билан таъминланганлик даражасига, тупроқ хусусиятлари ва сизот сувлари чуқурлигини ҳисобга олиб белгиланади. Шунда ғўзанинг бир меъёрда ўсиши, эртаги ва мўл ҳосил олиниши таъминланади.

Республикамиз вилоятларида тупроқ тури, ер ости сувлари жойлашувини инобатга олган ҳолда ғўзани сугориш графиги тузилади ва ҳар 1,5-2,0 гектар майдонга 1 нафардан тажрибали сувчи бириктирилади. Сувдан унумли фойдаланишда ғўзани тунда сугориш самарали натижа беради, пуштага нам тез ва текис кўтарилади. Бундай усулда ўсимлик қониб сув ичади. Энг асосийси ҳосил элементлари яхши сақланади, кам тўкилади. Буғланиш ва исроф бўлишининг олди олинади.

Тунги сугоришни тўғри ташкил қилиш учун ҳар бир сувчи чироқ ёки фонарлар билан таъминланган бўлиши керак. Пахтачилик илмий тадқиқот институти тавсияларига кўра, Андижон вилояти тупроқ-иқлим шароитида ғўза вегетацияси даврида ер ости сувлари сатҳига қараб 4-7 марта сугорилса, Тошкент вилояти шароитида 4-7 марта, Сирдарё вилоятида 2 марта сугориш мақсадга мувофиқдир.

Қашқадарё вилоятининг чўл, ярим чўл минтақаси, ер ости сувлари 2-3 м, тақирысимон ва оч тусли бўз тупроқларида 3-4 марта сугорилса, ўрта ҳудуддаги тоғолди минтақаси, сизот сувлар 3,0 м ва ундан чуқур жойлашган типик бўз, оч тусли бўз тупроқларда 3 марта (850-900 м³/га) сугориш тавсия этилади.

Бухоро вилояти шароитида ғўза гуллагунича сугориш меъёри гектарига енгил тупроқларда 700-800 м³, ўртacha тупроқларда 800-900 м³ ва оғир тупроқларда 900-1000 м³, гуллаш-ҳосил тўплаш даврида енгил тупроқларда 800-900 м³, ўрта ва оғир механик таркиби тупроқларда 1000-1300 м³, пишиш даврида 600, 700 ва 800 м³ ни ташкил этади.

Самарқанд вилояти шароитида бўз ва лой тупроқларда ғўза 5 марта гача сугорилиб, сугоришлар ораси 20-22 кунни ташкил этади. Механик таркиби турлича, зич ва қават-қават жойлашган тупроқларда 6 марта сугорилиб, сугоришлар оралиғи 15-20 кунни, сизот сувлари 1-2 метрда жойлашган кум ва қумоқ тупроқларда 3 марта сугорилиб,

сүғоришлар 101 ораси 23-25 кунни, сизот сувлари 7-10 м жойлашган типик бўз тупроқларда 7 марта сүғорилиб, сүғоришлар оралиғи 14- 20 кунни ташкил этади.

Ғўза етиширишда сүғориш усулига ва ер ости сувлари сатҳига қараб сүғоришлар сони 2-3 мартадан 4-7 марта гача, сүғориш тартиби 0-2-0, 0(1)-3-0; 1-3(4)-1; 1-4-0; 2-4-1 тизимларда ўтказилади.

2 - илова

Сүғоришининг давомийлиги енгил тупроқларда ғўза гулга киргунича 10-12, ўрта ва оғир тупроқларда 12-14, гуллаш даврида эса мос равишида 14-16 ва 16-18 соатдан ошмаслиги керак. Тупроқ қуриб қолмаслиги учун эгатларни очиш сүғориш арафасида амалга оширилиши мухимdir.

Ғўзани сүғоришда сув камчил бўлса, барча сувларни, хатто кучсиз шўрланган зовур сувларини ҳам аралаштириб ишлатишга тўғри келади.

Бунда аралашманинг минераллашганлик даражаси қум ва енгил қумоқ тупроқларда 3-3,5 г/л, оғир, ўрта ва қумоқ тупроқларда 1,0-1,5 г/л бўлиши мумкин. Лекин, сув ўта тақчил бўлган йиллари таркибида 5,5 г/л туз бўлган сувлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда биринчи сүғориша ариқ суви, иккинчисида ариқ ва зовур сувлари аралашмаси билан ва ҳоказо навбатлаб сүғориш самарали усул ҳисобланади.

Ғўзанинг гуллаш ва ҳосил тўплаш даврида сувга талаби ортади ва бу даврда чанқатиб қўйилиши ўсиш ва ривожланишни кечикириди, барглар сўлиб қорамтири тус олади, бош поянинг ўсув нуқтасида гулнинг тез пайдо бўлиши (гулнинг тепага чиқиб кетиши) ҳамда ҳосил элементлари тўкилиб кетиши кузатилади.

Бу даврда ҳаддан ташқари ортиқча сүғориш ҳам мумкин эмас. Чунки, ғўза зўр бериб бўйига ўсиб, кўп барглайди, сербарг бўлиб ғовлаб кетади, ҳосил тугунчалари пайдо бўлиши камаяди ҳамда пахта ҳосили 3-5 ц/га камайишига олиб келади.

Ғўзани пишиш даврида ўсиш жараёнлари секинлашади ва сүғоришини юқори меъёрда ўтказиш тавсия этилмайди. Агар бу даврда ғўзага кўп сув берилса тупроқ совиб, қатор ораларида ҳавонинг нисбий намлиги ошади, ғовлаб қайта ўса бошлайди, поялари ётиб қолиб, кўсаклар очилиши кечикади, бу эса тола сифатига ва йиғим терим ишларига салбий таъсир этади.

Илова 3

СҮҒОРИШ РЕЖИМИ

Парвариш қилинаётган экинларнинг сувга бўлган талабаи, режалаштирилган ҳосилдорлиги, иқлим, тупроқ ва гидрогеологик шароитларни ҳисобга олган ҳолда, уларнинг сүғориш сонини, муддатларини ва меъёrlарини аниқлашга, қишлоқ хўжалиги экинларини сүғориш режими дейилади.

СҮҒОРИШ МУДДАТИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

- ўсимликнинг ташқи белгиларига қараб – тупроқ нами етишмай қолса ўсимлик барги тўқ яшил тусга киради, кун иссиқ пайтларда сўлиганга ўхшаб туради;
- ўсимлик барганинг сўриш кучи орқали;
- баргнинг соматик босими орқали;
- хужайра ширасининг концентрацияси орқали (ККС);
- тупроқ намлигини аниқлаш орқали;
- тупроқ намлигини тензиометр орқали аниқлаш

СУГОРИШ СХЕМАСИ

Шимолий иқлим минтақасида ғұзани 1-2-0 ёки 1-3-0 тартибда 3-4 марта сүфорилади

марказий иқлим минтақасида 2-3-0 ёки 2-4-1 тартибда 5-7 марта сүфорилади жанубий иқлим минтақасида эса 1-5-1 ёки 2-6-1 тартибда 7-9 марта сүфорилади. Ғұзани сүфориш сони гидрогеологик минтақаларга ҳам боғлик бўлиб IV-гидрогеологик минтақада 2-3 марта сүфорилса, I-гидрогеологик минтақада сүфориш сони бир мунча қўпайтирилади.

СУГОРИШ МЕЪЁРИ

Сүфориш меъёри - 1 га майдонга бир марта сүфоришида бериладиган сув микдори, м³/га ёки мм ҳисобида аниқланади.

Сүфориш меъёри тупроқнинг сув-физик хоссалари, жойнинг рельефи, экин тури, сүфориш усуллари ва уларни ўтказиш технологияси каби омилларга боғлик ҳолда турлича микдорларда бўлади.

Илова 4

ҒҰЗАНИ СУГОРИШ РЕЖИМИ

Шимолий иқлим минтақасида тупроқ тури ва сизот сувларини сатҳига қараб 2-3 дан 5-7 мартағача, Жанубий иқлим минтақасида -6 тадан 11 тагача Марказий иқлим минтақасида ғұза - 3-7 тадан 7-10 тагача Мавсумий сүфориш меъёри 7500-8000 м³/га ни ташкил қиласи.

Илова 5

Йўналтирувчи саволлар

10. Экинларнинг сувга бўлган талаби қандай аниқланади
11. Сүфориш меъёри нима
12. Сүфориш меъёрини белгилаш шартлари
13. Сүфориш тартиби
14. Сүфоришнинг аҳамияти

Илова 6

Назорат саволлари :

6. Қишлоқ хўжалик экинларнинг сувга бўлган талабини аниқлаш услубларини сананг?
7. Қишлоқ хўжалик экинларнинг сувга бўлган талабини билиш нима учун керак?
8. Қишлоқ хўжалик экинларнинг сувга бўлган талабини сувга бўлган талаби нега аниқланади ?

Илова 7

Адабиётлар рўйхати

1. Ritzema H.P. (Editor-in-Chief), 2006. Drainage Principles and Applications. Wageningen, Alterra, ILRI Publication no. 16, pp.1125.
2. Маматов С.А. “Томчилатиб сүфориш тизими”. Қўлланма. Т. “Мехридарё”, 2012, 80 бет.
3. Рахимбоев Ф.М. “Практикум по сельскогохозяйственным гидротехническим мелиорациям” Т. “Мехнат». 1991, 391 бет.

4-мавзу: Қишлоқ хўжалик экинларни техник воситалар ёрдамида сұғориш вақтини аниқлаш.

Режа:

1. Сұғориладиган майдонлардаги тупроқларнинг намлигини аниқлаш бўйича тушунчалар
2. Қишлоқ хўжалик экинларни термостат торози усули ёрдамида сұғориш вақтини аниқлаш.
3. Қишлоқ хўжалик экинларни тензометр ёрдамида сұғориш вақтини аниқлаш.

Таянч сўзлар: Сув ресурслари, сувлар сифати, тупроқ ва ўсимликларнинг сув режими, сұғориши, сұғориши турлари, ерларни районлаштириш, иқлим миңтақалари, гидрогеологик районлар, гидромодуль районлар сұғориши режими, сұғориши усуллари, сұғориши техникаси, сувдан фойдаланиш.

Илова 1

Сұғориши тизимларини такомиллаштиришда биз нов каналлари ва юмшоқ қувурлардан фойдаланамиз.

1. Хўжалик нов каналининг (ХНК) лойиҳавий параметр қийматларини ҳисоблаймиз:

a). ХНК нинг «нетто» сув сарфини ҳисоблаймиз:

$$Q_{XHK}^{net} = \bar{Q}_{max} \times \omega_{x_{yjic}}^{net} \text{ к } 0,58 \cdot 1418,4 = 823 \text{ л/с}$$

сув сарфи қийматини стандарт қийматгача яхлитлаймиз:

$$Q_{XHK, Stan}^{net} = 850 \text{ л/с}$$

б). ХНК нинг «брутто» сув сарфини ҳисоблаймиз:

$$Q_{XHK}^{\delta p} = \frac{Q_{XHK}^{net}}{\eta_{muzim}} = \frac{850}{0,87} = 977 \text{ л/с}$$

бу ерда: $\eta_{muzim} = \eta_{XHK} \times \eta_{XHHK} \times \eta_{Y_{u}XHK} \times \eta_{C_{u}g. Shl.} = 0,96 \cdot 0,96 \cdot 0,96 \cdot 0,98 = 0,87$

$$Q_{XHK, Stan}^{\delta p} = 1000 \text{ л/с} = 1 \text{ м}^3/\text{с}$$

2. ХНК даги сувнинг чуқурлиги М.Мухамаджановнинг қуйидаги формуласи ёрдамида аниқланади:

$$h_{XHK} = \frac{0,904 \times n^{\frac{1}{2}} \times Q_{\delta p}^{\frac{1}{2}}}{p^{\frac{1}{3}} \times i^{\frac{1}{4}}} = \frac{0,904 \cdot (0,015)^{\frac{1}{2}} \cdot (1)^{\frac{1}{2}}}{(0,2)^{\frac{1}{3}} \cdot (0,008)^{\frac{1}{4}}} = 0,64$$

бу ерда: n – каналнинг асоси ва ёни ғадир-будурлиги, $n = 0,015 \div 0,016$;

p – парабола шаклидаги новнинг кўрсаткичи, $p = 0,2$ м (ЛР-60, ЛР-80 лотоклари учун),
 $p = 0,35$ м (ЛР-100 ва юқорилари учун);

i – нов канали нишаблиги харитадан нов канали трассаси бўйлаб, пикетлар

ёрдамида аниқланади, $i = \frac{H_0 - H_8}{L} = \frac{256 - 249,6}{800} = 0,008$

Нов каналидаги ҳисобий сув чуқурлиги ва сув сарфлари миқдорига қараб новнинг (лоток) маркаси аниқланади (ЛР-60, ЛР-80, ЛР-100, ...). (7-жадвал).

ХНК учун ЛР-... қабул қиласиз ва $h_{XHK} = h_{LP-...} + (10 \div 12)$ см бўлиши лозим;

бу ерда: $10 \div 12$ см нов каналидаги сув қатлами запаси. $h_{XHK} = 0,64 + 0,12 = 0,76$ м

Илова-2

3. Хўжалик ички нов канали (ХИНК) параметрларини ҳисоблаш.

Ҳар массив учун келтирилган гидромодуль графигини чизамиз ва у орқали $\bar{Q}_{\max} = 0,51$ л/с га қийматини аниқлаймиз. Кейин ХНК нинг параметрларини аниқлаш усули бўйича ХИНК нинг параметрларини ҳисоблаймиз.

а). Хўжалик ички нов каналининг (ХИНК) «нетто» сув сарфини ҳисоблаймиз:

$$Q_{XHK}^{net} = \bar{Q}_{\max} \times \omega_{I_{mac.}}^{net} = 0,51 \cdot 380 = 194 \text{ л/с}$$

ҳисобланган сув сарфини қийматини стандарт қиматгача яхлитлаймиз:

$$Q_{XHK, Stan}^{net} = 200 \text{ л/с}$$

б). ХИНК нинг «брутто» сув сарфини ҳисоблаймиз:

$$Q_{XHK}^{\delta p} = \frac{Q_{XHK}^{net}}{\eta_{tizim}} = \frac{200}{0,903} = 221 \text{ л/с}$$

бу ерда: $\eta_{tizim} = \eta_{XHK} \times \eta_{yuchk} \times \eta_{Cyg. Sh.} = 0,96 \cdot 0,96 \cdot 0,98 = 0,903$

$$Q_{XHK, Stan}^{\delta p} = 225 \text{ л/с}$$

в). ХИНК даги сувнинг чуқурлигини аниқлаймиз:

$$h_{XHK} = \frac{0,904 \times n^{\frac{1}{2}} \times Q_{\delta p, Stan}^{\frac{1}{2}}}{p^{\frac{1}{3}} \times i^{\frac{1}{4}}} = \frac{0,904 \cdot (0,015)^{\frac{1}{2}} \cdot (0,225)^{\frac{1}{2}}}{(0,2)^{\frac{1}{3}} \cdot (0,0025)^{\frac{1}{4}}} = 0,40 \text{ м}$$

бу ерда: n – каналнинг асоси ва ёни ғадир-будурлиги, $n = 0,015$;

$p = 0,2$ м ЛР-60, ЛР-80 лотоклари учун;

i – нов каналининг нишаблиги, харитадан нов канали трассаси бўйлаб пикетлаш ёрдамида аниқланади, $i = \frac{H_0 - H_{10}}{1000} = \frac{258 - 255,5}{1000} = 0,0025$

ХИНК даги ҳисобий сув чуқурлиги ва сув сарфларига қараб, 7 жадвал ёрдамида новнинг (лоток) маркасини аниқлаймиз

**ХИНК учун ЛР-80 новини қабул қиласиз ва $h_{XHK} = h_{LP-...} + (10 \div 12)$ см.
= 0,4 + 0,1 = 0,5 м.**

4. Участка нов канали (УЧНК) параметрларини ҳисоблаш.

Участка нов каналининг сув сарфларини аниқлашда қўйидаги шарт бажарилишини ҳисобга оламиз:

$$\frac{m \times \omega_{egat olishi}}{86,4 \times \eta_{yuchk}} \leq Q_{yuchk}^{\delta p} \leq \frac{Q_{XHK}^{min net}}{n_{yuchk}}$$

бу ерда: m – пахтани суғориш нормасининг максимал миқдори,

$m = 1100 \text{ м}^3/\text{га};$

$\omega_{egat olishi}$ – эгат олишдаги тракторнинг иш унумдорлиги, га;

$\omega_{egat olishi} = 9 \div 11 \text{ га};$

$n_{УЧНК}$ – бир вактда ишлайдиган участка нов каналларининг сони;

$\eta = 0,96$ – участка нов канали ФИК и.

Участка нов каналининг энг кам сув сарфини аниқлаймиз:

$$Q_{УЧНК}^{нет} = \frac{m \times \omega_{зат олии}}{86,4 \times \eta_{УЧНК}} \cdot \frac{1100 \cdot 10}{86,4 \times 0,96} = 132,5 \text{ л/с}$$

Хисобланган сув сарфи стандарт қийматгача яхлитланади:

$$Q_{УЧНК Станд}^{нет} = 135 \text{ л/с}$$

Участка нов каналининг «брутто» сув сарфини хисоблаймиз:

$$Q_{УЧНК}^{бр} = \frac{Q_{УЧНК}^{нет}}{\eta_{УЧНК} \times \eta_{сүз.иал}} = \frac{135}{0,96 \cdot 0,98} = 143,6 \text{ л/с}$$

УЧНК «брутто» сув сарфи стандарт қийматгача яхлитланади:

$$Q_{УЧНК}^{бр} = 145 \text{ л/с}$$

Участка нов каналидаги сувнинг чуқурлигини аниқлаймиз:

$$h_{УЧНК} = \frac{0,904 \times n^{\frac{1}{2}} (Q_{УЧНК}^{бр})^{\frac{1}{2}}}{p^{\frac{1}{3}} \times i^{\frac{1}{4}}} = 0,33 \text{ м}$$

Участка нов канали (лоток) нинг маркасини аниқлаймиз:

$$h_{УЧНК}^{курилиш} = h_{УЧНК} + (10 \div 12) \text{ см} = 0,33 + 0,12 = 0,45 \text{ м}$$

Участка нов канали сув сарфи ва сувнинг чуқурлигига қараб, новнинг маркасини қабул қиласиз. Участка нов канали учун ЛР-60 новини қабул қиласиз.

Илова-3


7- жадвал

Новнинг (лоток) асосий параметрлари

Нов маркаси	Үлчовлари			Нов бўйлагининг оғирлиги, кг	1 км каналга сарфланган материал		Каналнинг сув сарфи $\text{м}^3/\text{с}$	Сув оқими ўтаётган кўндаланг кесим юзаси, м^2 .
	Курилиш чуқурлиги, см.	Эни, см	Кўндаланг кесими, см^2		Бетон, м^3	Пўлат кг		
ЛР-40	40	80	0,21	975	93	5962	0,10	0,174
ЛР-60	60	98	0,39	1295	115	6915	0,20	0,30
ЛР-80	80	113	0,60	1830	150	9374	0,38	0,495
ЛР-100	100	167	1,12	2985	289	22435	1,0	0,954

Алмашлаб экиш массивидаги экинларнинг ун куликлар буйи уртacha келтирилган гидромодул графиги

3-чизм



Илова 4

Йўналтирувчи саволлар

9. Хўжалик ички суғориш тармоқларининг ҳисобий сув сарфини аниқлаш тартибини тушунтиринг?
10. Хўжалик ички нов канали (ХИНК) параметрларини ҳисоблаш нима учун зарур?
11. Сув сарфлари қийматларини стандартлаш?

Илова 5

Назорат саволлари :

1. Суғориш тармоқларининг ҳисобий сув сарфини аниқлаш тартибинини ишлаб чиқаришда қандай кўрсатгичлар ҳисобга олинади?
2. Хўжалик ички нов канали (ХИНК) параметрларини ҳисоблаш шартларин тушунтиринг?
3. Сув сарфлари қийматларини стандартлаш нима учун амалга оширилади?

Илова 6

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Икромов Р.К., Бараев Ф.А., Юсупов Ф.У. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив мониторинги ва кадастри. Тошкент, ТИМИ 2008 й.
2. Бараев Ф.А. ва бошқалар. Тик дренаж кудукларидан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш. Т., ТИМИ, 2008 й.
3. Натальчук М.Ф., Ольгаренко В.И., Ахмедов Х.А.. Эксплуатация гидромелиоративных систем. М.: 1984.
4. Серикбаев Б.С., Бараев Ф.А. ва бошқалар. Гидромелиорация тизимларидан фойдаланиш. Тошкент, Мехнат, 2001.
5. Бараев Ф.А., Серикбаев Б.С., Базаров Р.Х. ва бошқалар. Гидромелиорация тизимларидан фойдаланишда инженерлик сервис хизмати. Тошкент, ТИМИ 2008.

Кўшимча адабиётлар:

- 6.Икрамов Р.К. Мелиоративно-технологические принципы управления водносолевым режимом орошаемых земель (на примере крупных массивов Средней Азии в условиях дефицита водных ресурсов).Т.,Фан,2002.
7. Серикбаев Б.С., Бараев Ф.А. ва бошқалар. Практикум по эксплуатации гидромелиоративных систем, Ташкент,Мехнат,2001
8. Ахмедов Х.А. Основные вопросы орошения и улучшения водопользования, Ташкент, Мехнат,1981
- 9.НигмаджановУ.Х, Ахмедов И Устав ассоциации водопользователей. Т., 1999.
- 10.Бараев Ф.А. ва бошқалар. Гидромелиоратив тизимларидан фойдаланиш. Тошкент. ТИҚХМИИ,2001.(маърузалар тўплами).

5-мавзу: Сув тежовчи суғориш тизимларини амалда қўллашни давлат томонидан рағбатлантирилиши. (4 соат)

Режа:

1. Сув тежовчи суғориш тизимлари бўйича Конунлар ва меъёрий хужжатларнинг моҳияти.
2. Сув тежовчи суғориш тизимларини амалда қўллашда солиқдан озод қилиш, имтиёзли кредит ажратиш, арzon нарҳда хомашё ажратиш, тежалган сувдан фойдаланиш тўғрисидаги хуқуқлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4087-сонли қарори.

Тупроқларнинг сув-ҳаво ва туз режимларини пайдо бўлиши, динамикаси, уларни бошқариш услублари, ерларнинг тупроқ, тизимларни лойихалаш, қуриш, ишлатиш, реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришдаянги, замонавий, илгор суғориш техника ва технологияларини қўллаш, экинларини мақбул суғориш режимини, турли сув тежамкор суғориш усулларини тадбиқ қилишини ўрганиш ҳамда уларни амалётга тадбиқ этиш қўнимларини ҳосил қилишда ҳизмат қиласи, ҳисботларни тузишни ўз ичига олади мустақил равишда билиши ва бу борадаги билимларни мустаҳкамлаш ҳамда чуқурлаштириш.

КЎЧМА МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Бу фан бўйича кўчма машғулотлар сув хўжалиги етакчи ташкилотларда ўтказилади. 4(соат)

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

№	Мавзулар:
1.	Сув тежамкор суғориш технологиялари бўйича хорижий давлатлар тажрибаларни ўрганиш.
2.	Сув тежамкор суғориш технологиялари бўйича илмий тадқиқотларни ўрганиш.
3.	Сув тежамкор суғориш технологиялари самарали фойдаланишни ўрганиш.

4.	Күчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориши технологиясини ўрганиш.
5.	Томчилатиб суғориши технологиясини ўрганиш.
6.	Ғўза қатор орасига қора плёнка тўшаб суғориши ўрганиш.
7.	Тупроқ ичидан (остидан) суғориши технологиясини ўрганиш.
8.	Пуркаб (туман ҳосил қилиб) суғориши усули
9.	Ёмғирлатиб суғориши технологиясини ўрганиш.
10.	Нам тўпловчи гидрогелларни қўллашни ўрганиш.
11.	Томчилатиб суғоришида суғорилганда қишлоқ хўжалик экинларни суғориши меъёри ва тартибини ҳисоблаш.
12.	Томчилатиб суғориши техникаси элементларини ҳисоблаш.
13	Фильтрлайдиган станцияларни танлаш ва ҳисоблашни ўрганиш.
14	Томчилатиб суғориши тизимишинг гидравлик ҳисоб китоблари.

Адабиётлар:

1. Ritzema H.P. (Editor-in-Chief), 2006. Drainage Principles and Applications. Wageningen, Alterra, ILRI Publication no. 16, pp.1125.
2. Маматов С.А. “Томчилатиб суғориш тизими”. Қўлланма. Т. “Мехридарё”, 2012, 80 бет.
3. Рахимбоев Ф.М. “Практикум по сельскогохозяественнқм гидротехническим мелиорациям” Т. “Мехнат». 1991, 391 бет.

Қўшимча адабиётлар

4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2016.-56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Тақидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятини кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент, Ўзбекистон, 2017.-1046.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларинитаъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент, Ўзбекистон, 2017.- 486.
7. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Т., Ўзбекистон, 2017. “Газета. Uz”.
8. Серикбаев Б.С., Бараев Ф.А., Тешабоев Б. ва бошқалар. «Ресурс тежамкор суғориш технологиялари», Ўқув қўлланма. Тошкент. “Мехнат”, 2008. - 181 б.
9. Бараев Ф.А., Базаров Р.Х., Шайманов Н.О. “Гидромелиоратив тизимларни ишлатиш ва автоматлаштириш”, Дарслик. Тошкент. “ТИМИ”, 2008. - 396 б.
10. Бараев Ф.А., Базаров Р.Х. ва бошқалар. «Ресурс тежамкор суғориш технологиялари” фанидан лаборатория ишларини бажариш бўйича методик кўрсатма. Тошкент. “ТИМИ”, 2013й.
11. Серикбаев Б.С., Бараев Ф.А., Базаров Р.Х. и другие. “Практикум по эксплуатации и автоматизации гидромелиоративных систем”, Учебник. Ташкент. “Мехнат”. 1996. - 396 с.

Интернет сайтлари:

<http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги);
<http://sic.icwc-aryl.uz/releases/rus/161.htm>; <http://www.pewclimate.org/>.
<http://www.cawater-info.net/library/books3.htm>; <http://www.undp.sk>;

2. Календар режа

№	Мавзулар	Машғулот тури	Соати	Ўтказилиш муддати
	Ресурс тежамкор суғориш технологияларини қўллаш шартлари, авзалликлари ва камчиликлари. Томчилатиб суғориш тизими ва унинг таркибий қисмлари билан танишиш.	Масофавий	6	ойнинг биринчи ҳафтаси
	Томчилатиб суғориш тизимини лойиҳалаш, қўллаш бўйича тавсиялар. Томчилатиб суғоришни қўллаш шароитларини илмий асослаш. Томчилатиб суғориш тизими ва унинг таркибий қисмларини такомиллаштириш ҳамда кувурларни	Масофавий	4	ойнинг иккинчи ҳафтаси

	гидравлик хисоби.			
	Қишлоқ хўжалик экинларини сувга бўлган таълабини аниқлаш ва сугориш тартибини белгилаш.	Масофавий	4	ойнинг учинчи ҳафтаси
	Қишлоқ хўжалик экинларни техник воситалар ёрдамида сугориш вақтини аниқлаш.	Масофавий	6	ойнинг учинчи ҳафтаси
	Сув тежовчи сугориш тизимларини амалда қўллашни давлат томонидан рағбатлантирилиши.	Масофавий	6	ойнинг тўртинчи ҳафтаси

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ресурстежамкор технологияларни жорий қилишдан асосий мақсад нима?
2. Ресурстежамкор технология деганда нимани тушунасиз?
3. Ресурстежамкор технологияларни қўллаш бўйича Президент қарорларини биласизми?
4. Ресурстежамкор технология турларини санаб беринг?
5. Ресурстежамкор технологияларни қўллаш лойихавий ҳаражатлари қанча бўлади?
6. Ресурстежамкор технологияларини қўллаб бўлмайдиган шароитлар ҳақида биласизми?
7. Ресурстежамкор технологияларнинг камчиликларини биласизми?
8. Ресурстежамкор технология сугориш системаси деганда нимани тушунасиз?
9. Ресурстежамкор технологиялар сув сарфлари қандай белгиланади?
10. Ўзбекистон Республикасида ресурстежамкор технологияларнинг қўлланганлик даражаси?
11. Ресурстежамкор технологияларнинг қўлланилиш шароитлари?
12. Томчилатиб сугориш тизими ҳақида маълумот беринг?
13. Томчилатиб сугориш тизимининг камчиликлари?
14. Томчилатиб сугориш тизимини лойихалаш?
15. Томчилатиб сугориш тизимининг асосий мақсади?
16. Томчилатиб сугориш тизимининг афзаликлари нимадан иборат?
17. Томчилатиб сугориш тизимини лойихалаш кетма-кетлигини биласизми?
18. Томчилатиб сугоришнинг қўлланганлик даражасини биласизми?
19. Томчилатиб сугоришнинг қўлланилиши бўйича президент қарорлари ва ижроси юзасидан нималарни биласиз?
20. Томизгич турини танлаш жараёнида қандай параметрлар фисобга олинади?
21. Томчилатиб сугориш тарихи, биринчи бўлиб қаерда қўлланган?
22. Экинларнинг сувга бўлган талаби қандай аниқланади?
23. Сугориш меъёри нима?
24. Сугориш меъёрини белгилаш шартларини санаб беринг?
25. Сугориш тартиби нима?

26. Суғоришининг аҳамиятини тушунтириб беринг?
27. Қишлоқ хўжалик экинларнинг сувга бўлган талабини аниқлаш услубларини сананг?
28. Қишлоқ хўжалик экинларнинг сувга бўлган талабини билиш нима учун керак?
29. Қишлоқ хўжалик экинларнинг сувга бўлган талабини сувга бўлган талаби нега аниқланади?
30. Суғориш муддатини аниқлаш усулларини сананг?
31. Суғориш меъёрининг ортишига сабаб бўладиган омилларни биласизми?
32. системаси деганда нимани тушунасиз?
33. Тупроқларнинг намлигини қандай аниқланади?
34. Тоемостатик тарози усули?
35. Иррометр, тензометр булар қандай асбоб?
36. Тупрок чегарали дала нам сифими нима?
37. Тупроқдан намуна қандай олинади?
38. Аниқлик даражаси нима?
39. Чекланган лимит сув сарфи қайси формула ёрдамида аниқланади?
40. Келтирилган гидромодуль нимани тушунасиз?
41. ЕФК қандай аниқланади?
42. Нов каналнинг ФИК нимага teng?
43. Хўжаликнинг брутто ер майдонни қайси формулада аниқланади
44. Каналнинг ФИК қайси формула ёрдамида аниқланади?
45. Сувдан чекланиб фойдаланиш қонуни қачон қабул қилинди?
46. ГМТФ фани тушунчаси нима?
47. Қайси шароитда лимит сув сарфидан фойдаланамиз?
48. Навбат билан суғориш усууллининг мақсади нима?
49. ГМ тизимларида нечта тоифа ва синфлар мавжуд?
50. Чекланган лимит сув сарфи қайси формула ёрдамида аниқланади?
51. Келтирилган гидромодуль нимани тушунасиз?
52. ЕФК қандай аниқланади?
53. Нов каналнинг ФИК нимага teng?
54. Хўжаликнинг брутто ер майдонни қайси формулада аниқланади?
55. Республикаизда суғориладиган майдонни қўлами қанча га?
56. Суғориш системаси деганда нимани тушунасиз?
57. Суғориш манбаларига нималар қиради?
58. Суғориш гидромодуль нима?
59. Каналларда сув сарфлари неча ҳил бўлади?
60. Суғориш режими нима?
61. Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги қонун хужжатлари?
62. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тузилмаси?
63. Сув хўжалиги вазирлиги тузилмаси?

БМИ мавзулари:

1. Томчилатиб сугориш техник ва технологияларни ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши.
2. Ингичка толали ғұзани фаоллаштирилган сув билан томчилатиб сугориш.
3. СИУ сугориладиган ерларини инновацион сувдан фойдаланиш технологияларни ишлаб чикиш ва тадбиқ қилиш.
4. Ирригация тизими бошқармаси бүйича инновацион технология асосида сувдан фойдаланиш режасини ишлаб чикиш ва амалга ошириш.
5. Информацион маслахат тизимини құллаган холда фермер хұжалиги даражасида сув ресурсларни бошқариш.
- 6 Фермер хұжалиги шароитида томчилатиб сугориш тизимини лойиҳалаш.
- 7.Фермер хұжалигіда қишлоқ хұжалик әқинларини ёмғирлатиб сугориш технологиясینи яратиши ва унинг эксплуатацияси.
8. Фермер хұжалигіда қишлоқ хұжалик әқинларини томчилатиб сугориш технологиясینи яратиши ва унинг эксплуатацияси.
9. Фермер хұжалиги шароитида паст босимли томчилатиб сугориш тизимини лойиҳалаш ва қуриш.
- 10 Сув истеъмолчилари уюшмасида сувдан тежамли фойдаланишда инновацион технологиялар асосида чора-тадбирларни ишлаб чиқиши.
11. Шўрланган ерларнинг мелиоратив - экологик холатини яхшилашда инновацион технологияларни қўллаш.
12. Суғориш тармоқларида сувни гидроавтоматика тизими асосида бошқариш ва фойдаланишни такомиллаштириш.
14. Фермер хұжалигіда нишаблиги катта ерларининг шўрини ювиш технологиясіни ишлаб чиқиши.
15. Фермер хұжалигіда инновацион сувдан фойдаланиш усулини қўллаш.
- 16.СИУ суғориш тизимларини инновацион технологиялар асосида ишлатишида эксплуатацион харажатлар хисоби.
17. Фермер хұжалиги суғориладиган ерларини жорий текислаш технологиясининг сувдан фойдаланишга таъсири.
- 18 Паст босимда ишлайдиган точилатиб сугориш тизимида сув ресурсларда бошқариш.
- 19.Фермер хұжалигіда қишлоқ хұжалиги әқинларини томчилатиб сугориш технологисини тадбиқ қилиши.
- 20.Сув истеъмолчилари уюшмасида ёпик - ётик зовур дренажларнинг эксплуатациясини такомиллаштириш.
- 21.Сув истеъмолчилари уюшмасида шўрланган ерларда тик дренаж кудуклар эксплуатациясини такомиллаштириш
- 22.Сув истеъмолчилари уюшмасида сугориладиган ерлар ва гидромелиоратив тармоқларининг мониторинги асосида сувдан фойдаланиши.
- 23.Ирригация тизими бошқармасига карашли сугориш тармоқларни кайта қуриш ва инновацион сувдан фойдаланиш технологияси.
- 24.Фермер хұжалиги шароитида сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш
- 25.Табиий босимда ишлайдиган точилатиб сугориш тизимида сув ресурсларда бошқариш.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

Ресурс тежамкор сұғориши технологиялари бошқариш модулини ўрганувчи тингловчилар аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш ва тармоқдаги амалий масалаларни ечишда күнікма ҳосил қилиш учун мустақил таълим тизимиға асосланиб, ўқитувчи раҳбарлигидә мустақил иш бажарадилар. Бунда улар құшимча адабиётлар, интернет сайтлардан фойдаланиб докладлар ва очиқ дарслар тайёрлайдилар, амалий машғулот мавзусига доир уй вазифаларини бажарадилар, слайдлар тайёрлайдилар.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ:

1. Сув тежамкор сұғориши технологиялари бўйича хорижий давлатлар тажрибаларни ўрганиш.
2. Сув тежамкор сұғориши технологиялари бўйича илмий тадқиқотларни ўрганиш.
3. Сув тежамкор сұғориши технологияларидан самарали фойдаланишини ўрганиш.
4. Кўчма эгилувчи қувурлар ёрдамида сұғориши технологиясини ўрганиш.
5. Томчилатиб сұғориши технологиясини ўрганиш.
6. Фўза қатор орасига қора плёнка тўшаб сұғоришини ўрганиш.
7. Субирригация сұғориши усули .
8. Ишлаб чиқилган маълумотлар асосида фермер хўжаликларига татбиқ этиш.
9. Сув тежамкор сұғориши технологиялари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши.
10. Шўрланган ерларда сув тежамкор шўр ювиш тадбирлар.
11. Ер устидан сұғориши технологияларисини такомиллаштириш.
12. Пуркаб (туман ҳосил қилиб) сұғориши усули.
13. Тупроқ намлигини аниқлаш усувлари.
14. Сувни ҳисоблашни хўжалик ичида ташкил этиши.
15. Қишлоқ хўжалик экинларини сұғориши технологиялари ва технологиялари.
16. Эгат олиб сұғоришини такомиллаштириш учун мавжуд бўлган воситаларни қўллаш.
17. Қишлоқ хўжалик экинларнинг сұғориши муддатларини аниқлаш.
18. Жиззах вилояти ер майдони, унда етиштиралаётган экин турлари, ҳосилдорлиги, олинаётган иқтисодий самадорлиги.
19. Сув тежовчи сұғориши тизимларини амалда қўллашни давлат томонидан рағбатлантириш.
20. Сувдан тежамли фойдаланишга кўмаклашувчи тадбирларни амалга ошириш.
21. Эгатлаб сұғоришини сув тежовчи усувларини қўллаш.
22. Тупроқ ичидан (остидан) сұғориши.
23. Қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришнинг интенсив технологияларини қўллаш.
24. Ўзбекистонда ва бошқа ривожланган давлатларда томчилатиб сұғориши орқали етиштиралаётган экин турлари, ҳосилдорлиги, олинаётган иқтисодий самадорлиги.

ГЛОССАРИЙ

Суғоришиң техникаси, суғоришиң технологияси, сув хўжалик мажмуаси, суғоришиң техникасидан фойдаланиш коэффициенти, сувдан фойдаланиш коэффициенти, сувдан самарали фойдаланиш, сувдан фойдаланиш муносабатлари, суғоришиң усуллари, тупроқ устидан суғориши, ёмғирлатиб суғориши, томчилатиб суғориши, тупроқ орасидан суғориши, суғоришиларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари, сув ўлчаш, сув тақсимлаш, суғориши, сув исрофгарчилиги, суғоришиң тизими, эгатлаб суғориши, йўлаклаб бостириб суғориши, чек олиб бостириб суғориши, сув тақсимлашни механизациялаш ва автоматлаштириши, ёмғирлатиб суғориши машиналари ва агрегатлари, суғориши аппаратлари, томчилатиб суғориши, томчилатиб суғоришиң технологияси. томчилатиchlар, томчилатиб суғориши, тупроқ орасидан суғориши, тизимнинг конструкцияси ва элементлари.

Арид минтақа (лот. *Aridus* – қуруқ) – қуруқ иссиқ иқлимга эга бўлган минтақа.

Атмосфера ёғинлари – сув буғлари атмосферада конденсацияланиб, ерга ёмғир, кор, дўл, киров, шудринг ва бошқа кўринишларда тушадиган сувлар.

Аэрозол суғориши (юнон. *Aer* – ҳаво, нем. *Sole* – коллоид эритмалар) – ер юзасига яқин ҳаво қатламини намлаш, тупроқнинг ҳарорат ва намлик тартиботини бошқариш мақсадида сувни майда томчилар (диаметри ўртача 0,5 мм) тарзида ёмғирлатиши.

Босим – муайян сатҳдан сув устуни баландлиги билан ифодаланувчи сув босими.

Бостириб суғориши – тупроқ устидан суғоришининг бир тури. Бунда суғориладиган ер майдонининг юзаси у ёки бу муддат давомида (бир неча суткадан бир неча ойгача) сув билан бостирилади.

Буғланувчанлик – муайян жойнинг сув ва энергетик манбалари билан аниқланувчи энг кўп мумкин бўлган буғланиш.

Вантуз (фр. *Ventouse*, лот. *Ventosus* – шамолли) – суғориши тармоқларидағи ҳавони чиқариш ва киритиш учун ишлатиладиган мослама.

Вегетация даври – бир йиллик ўсимликлар учун уруғнинг унишидан бошлаб янги уруғнинг пишиб етилишигача бўлган давр, кўп йиллик ўсимликлар учун эса кўкламдан қишки тиним давригача кечадиган ҳаёт фаолияти, яъни ўсиш, ривожланиш даври.

Вертикал зовур (тик зах қочириш) – чуқур қазилган бурғи қудуқдан қурилган зовур. Қудуқдан чиқадиган сув чучук бўлганда ундан экинларни суғоришида ҳам фойдаланилади.

Гидромодуль (юнон. *Hydor* – сув, лот. *Modulus* – ўлчов) – қишлоқ хўжалик экинларини суғоришида бир гектар майдонга бериладиган солиштирма сув микдори.

Горизонтал ёпиқ зовур (қувурли зовур) – суғориши майдонидан сизот сувларини оқизиб юбориш ва уларни сатҳини айни майдонда пасайтириш учун етарли шароит бўлмаган ҳолларда қуриладиган зовур.

Горизонтал очиқ зовур – бир-бирига нисбатан маълум узоқлик ва чуқурлиқда ўтказилган, маълум тартибда ўзаро туташтирилган горизонтал очиқ тўлиқ қазима канал (зовур) ва коллекторлар (сув оқизгичлар).

Грунтнинг нам сифими – тупроқнинг маълум микдорда ўзига сув снгдириш ва ушлаб туриш қобилияти.

Дарахт тевараги устидан (остидан) ёмғирлатиши – боғлардаги дарахтлар тевараги

(шох-барглари) устидан (остидан) сувни ёмғирлатиб сепиш усули.

Ёмғирлатиши, ёмғирлатиб сүғориши – экинларни сүғориши усулларидан бири бўлиб, бунда сув маҳсус машина ёрдамида сунъий ёмғир холига келтирилиб, тупроқ ва ўсимликлар устидан сепилади. Сүғориши ҳаракатланадиган ёмғирлатиши машиналари ва кўзгалмас қурилмалар ёрдамида амалга оширилади.

Ёмғирнинг жадаллиги – сүғориладиган майдонга 1 минут давомида ёккан ёмғир сувининг мм ҳисобидаги қалинлиги: $p = dh/dt$, $\text{мм}/\text{мин.}$, бу ерда dh – ёмғир суви қатламиning қалинлиги, мм ; dt – вақт, мин. ;

Ёпиқ эгат – нишаби 0,001–0,0005 ва ундан ҳам кичик бўлган ерларда олинадиган, сув сарфи 1–2 л/сек., узунлиги 40–100 м бўладиган, берилган сувлар оқиб кетмайдиган эгатлар.

Ердан фойдаланиш коэффициенти (ЕФК) – сүғориладиган майдоннинг умумий фойдаланилайдиган майдонга нисбати.

Ерни ўзлаштириш коэффициенти (ЕУК) – умумий фойдаланилайдиган майдоннинг ялпи майдонга нисбати.

Жўяқ олиб сүғориши – катта нишабли ерларда ва сув тақчилигига кўлланилайдиган тупроқ устидан сүғоришнинг бир тури.

Зах қочириш меъёри – шўр босган сүғориладиган ерларда сизот сувлари сатҳини тупроқнинг юқори қатлами (актив қатлами) шўрланмайдиган ва ботқоқланмайдиган бўлишини таъминлайдиган энг паст жойлашиш чуқурлиги.

Импульсли ёмғирлатиши – импульсли (узлукли) тартиботда сунъий ёмғир ёғдириб сүғориши.

Инфильтрация (лот. *In* – га, *filtratio* – сизмоқ, сингиш) – сувнинг тупроқка шимилиши.

Канал (лот. *canalis* – труба, нов) – сув ўз оқими билан оқадиган (босимсиз) тўғри шаклли сунъий ўзанга эга бўлган сув ўтказгич. Канал кўпинча, очик ҳолатда қазилади ёки четлари кўттарма қилиб қурилади.

Каналларни қопламалаш – каналларда сувнинг сизилиб, исроф бўлишини камайтириш, уларда ўт-ўланлар ўсиши, ювилиши ва лойқа чўкишини олдини олиш мақсадида каналнинг туби ва қияликларини сунъий қопламалар билан қоплаш.

Қатор оралиги, эгат – ўсимликларни сүғориши, озиқлантириш учун ёнма-ён экилган экин қаторлари орасида қолдирилган бўш жой.

Лалми (баҳорикор) экин – лалмикор ерда устирилайдиган буғдой, арпа, беда каби экинлар; айрим жойларда кам сув талаб қилинадиган ғўзаларни сугормай, ёғин суви билан экиш, ўстириш ва ишлов бериш йўллари (усуллари).

Лизиметр – тупроққа сингиб ўтган сув миқдорини ўлчайдиган қурилма.

Лиман – қиялиги (нишаби) 0,002–0,003 атрофида бўлган қия ёнбағирликларда тупроқдан қилинган маҳсус кўтартмалар.

Мавсумий сүғориши меъёри – 1 га экин майдонига сүғориши мавсумида бериладиган сув миқдори ($\text{м}^3/\text{га}$).

Магистрал канал – сүғориши системасини сув манбаига уланадиган асосий (энг катта) канал.

Муваққат сүғориши шахобчалари – 1) доимий шоҳ ариқдан сув оладиган муваққат ариқлар; 2) муваққат ариқлардан сув оладиган ўқ ариқлар; 3) ўқ ариқлардан сув оладиган эгатлар.

Оқ шудгор – шудгор қилиб ташлаб қўйилган, ўт босмаган дала.

Оқ шўрхок ерлар – шўри тупроқ бетига чиқиб, оқариб турадиган ерлар.

Оқизиб шўр ювиш – бунда шўр ювиш сизот суви билан қўшилади ва эриган тузлар тупроқнинг пастки қатламларига ва ундан ёндош томонларга сингиб кетади.

Очиқ эгат – нишаби 0,001–0,01 ва ундан қияроқ қилиб олинадиган, берилган сувлар оқиб кетадиган эгатлар.

Полларга бўлиб суғориш – ернинг шўрини ювишда, ўтлоқ, яйлов ва шолизорларни лиман қилиб суғоришда қўлланиладиган суғориш усули. Бунда намлик тупроққа тик йуналишда сингади.

Сизилиш (фильтрация) коэффициенти – тупроқ қатламини тўйинтирган сувнинг сизиб ўтувчи тезлиги ($\text{м}/\text{сут}$; $\text{см}/\text{с}$ билан аниқланади). Сизот

сувнинг критик чуқурлиги – сизот сув сатҳининг капилляр найдалар орқали кўтарилиб, тупроқнинг ўсимликларнинг илдизлари қисмига етадиган ва уни шўрлата бошлайдиган чуқурлиги.

Сув билан таъминланганлик – халқ хўжалигининг муайян тармоқлари, суғориш майдонлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва айрим хўжаликларнинг сувга бўлган хақиқий эхтиёжларининг тўла–тўкис таъминланиши.

Сув йигувчи шахобча – суғориш майдонларидаги ортиқча сувларни суғориш шахобчаларида бузилиш ёки бирор шикастланиш юз берган ҳолларда ташлаб юбориш учун хизмат қиладиган ташлама шахобча.

Сув ташланадиган (ташама) тармоқ – суғориш учун берилган сувлар ер остидаги сувлар билан бирга қўшилиб, уларни сатҳларини кўтариб юбориш хавфи бўлганда ортиқча сувларни четга чиқариб юбориш учун қуриладиган ташама ариқлар, зовур ва коллекторлар.

Сув туширгич – сув туширадиган (тўқадиган) қурилма: 1. Сув оқими ошиб тушадиган тўсиқ (бўсаға); 2. Сув оқимини йўналтириш ва уларнинг микдорини ўлчаш учун тўсиқ.

Сув ўлчагич – ариқ, канал, қувур ва сув йўлларидаги сув микдори, сатҳи ва тезлигини ўлчайдиган асбоб.

Сувнинг лойқалиги – 1 м^3 сувдаги лойқанинг оғирлиги ёки шу лойқа ҳажмининг сувнинг ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобидаги ифодаси.

Сувнинг минералланиши – сувда турли минерал тузларнинг эриши ва бу эритмалар билан сувнинг тўйиниши.

Суғориладиган ер майдони – суғориш массивидаги экин ва дараҳтлар билан банд бўлган суғориладиган ерлар.

Суғориш (мавсум) даври – экинлар ривожланиш (ўсув) даврининг дастлабки суғориш бошланишидан сўнгги суғориш охиригача бўлган қисми.

Суғориш майдони – бир хил экин экиладиган, бир томонга қараб суғориладиган ва томонлари доимий майдоннинг таркибий қисмлари (арик, зовур, йўл, дараҳтлар) билан чегараланган ер бўлаги.

Суғориш меъёри – бир марта суғоришда бир гектар майдонга бериладиган сув микдори ($\text{м}^3/\text{га}$).

Суғориш режими (франц. *regime* – аник, белгиланган тартиб) – маълум тупроқ, гидрогеологик, иқлим ва агротехника шароитларида ўсимлик учун зарур бўлган сув, ҳаво ва озиқланиш тартиботларини таъминлайдиган суғориш сонлари, муддатлари ва

меъёрлари мажмуи.

Суғориш тармоғи – сувни манбадан олиб суғориш даласига етказиб берувчи доимий ва муваққат сув ўтказгичлар (каналлар, қувурлар) тармоғи.

Суғориш техникаси – суғориладиган майдонга етарли миқдорда сув бериш, уни майдон бўйича текис тақсимлаш, сувнинг тупроққа шимилишини таъминлаш орқали тупроқнинг актив қатламида зарур намликни ҳосил қилиш ишлари мажмуи.

Суғориш технологияси – турли техник мосламалар суғориш усулларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалик экинларини оқилона суғоришни ташкил қилиш ва ўтказиш.

Суғориш, ирригация – тупроқни сунъий намиқтириш.

Суғоришни автоматлаштириш – ерни инсоннинг бевосита иштирокисиз суғориш.

Танлаб суғориш (оралатиб суғориш) – аввалги суғоришда сув чиқмаган, сувсаган ва авжи паст жойларнигина суғориш.

Тарнов, очиқ нов (лоток) – ариқ ўрнида фойдаланиш учун кўпинча бетондан, темир-бетондан қилинган очиқ новлар.

Тахталарга бўлиб суғориш – бостириб суғоришнинг такомиллашган тури бўлиб, бунда сув уватлар орқали бир–биридан ажратилган тахта (пол)ларга оқизиб берилади.

Текислаш – экин майдонидаги баланд жойлар тупроғини паст жойларга келтириб тўкиш, яъни ундаги паст-баландликларни, ўнқир-чўнқир жойларни бартараф этиш орқали шу майдон юзасда зарур нишабликка эришиш.

Томчилатиб суғориш – экинларни суғориш усулларидан бири. Бунда суғориш суви қувурлар тармоғидан маҳсус томчилатгичлар ёрдамида тупроқнинг бевосита ўсимлик илдизи ривожланадиган қатламига берилади.

Транспирация коэффициенти – ўсимликлар орқали буғланиш коэффициенти. Ўсимликнинг 1 г модда ҳосил қилиш учун сарфлайдиган грамм ҳисобидаги сув миқдори. Бу миқдор тажриба орқали аниқланади.

Тўлиқ нам сифими – тупроқдаги барча капилляр, нокапилляр ғоваклар ва бўшлиқлар тамомила сув билан тўйинган ҳолатда ундаги сув миқдори.

Тупроқ – ер қобиғининг сиртидаги ўсимликларни бутун ўсиш ва ривожланиш даврида сув ва озиқ моддалар билан узлуксиз таъминлаб туриш қобилиятига эга бўлган устки унумдор тоғ жинслари қатлами.

Тупроқ намлиги – мутлоқ қуруқ тупроқ массасига, яъни тупроқнинг мутлоқ намлигининг ҳажмига (тупроқнинг ҳажмий намлигига) нисбатан % ларда ифодаланувчи сув миқдори.

Тупроқнинг аэрация зонаси – тупроқ қатламининг ҳаво билан тўлган бир қисми.

Тупроқнинг сув сингдирувчанлиги – тупроқнинг сув шимиш, сувни юқоридан пастга ўтказиш хусусияти.

Тупроқнинг сув тартиботи – тупроқда сувнинг доимий ҳаракатда бўлиши, маълум миқдорда намланиши, намнинг буғланиши ёки ушланиб туриши.

Ўғитлаб суғориш – минерал ёки органик ўғитлар қоришмасини суғориш сувига кўшиб суғориш.

Ўз оқими билан суғориш – сув манбадан суғориш тизимиға ўз оқими билан ўтадиган суғориш. Бу ҳолда манбадаги сув сатҳи суғориладиган майдон сатҳидан баланд бўлиши керак.

Үқ ариқ – эгатларга күндаланг тортилган, мұваққат ариқлардан сув олиб, эгатларға сув тақсимлайдиган мұваққат ариқ.

Фаол қатlam – ўсимликнинг илдизи тарқалған тупроқ қатлами (сатхи). Бу қатlam әкинларнинг турига боғлиқ бўлади.

Фильтрация (сизилиш) – сувнинг ғовак мұхитдан сизилиб ўтиши.

Фотосинтез (юон. *Phos* – ёруғлик, *synthesis* – бириктириш) – ўсимликларда ёруғлик энергияси ҳисобига ноорганик моддалар (карбонад ангедрид, сув)дан органик моддалар ҳосил бўлиш жараёни.

Хўжаликлараро тармоқ – айрим хўжаликларга сув келтириб тақсимлайдиган суғориш тармоқлари.

Эгат (арик) – плуг, окучник (арик очкич) каби қуроллар воситасида әкин майдонларида ҳосил қилинган тор ариқча.

Эгат олиб (эгатлаб) суғориш – тупроқ устидан суғоришнинг энг такомиллашган усули.

Яхоб – қишиш ва баҳор мавсумларида шўр ювиш ёки тупроқда нам тўплаш мақсадида бериладиган.

Сүғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари

Реконструкция ва қуриш ишлари:

3,56 минг км коллектор-дренаж тармоқлари

143 дона мелиоратив насос станциялари

797 дона вертикал дренаж қудуклари

Тизимли равища таъмирлаш-тиклаш ишлари:

67205 км очиқ ва ёник-ётик дренаж тармоқлари

5407 дона вертикал дренаж қудуклари

194 дона мелиоратив насос станциялари

5426 та қувурли ўтиш жойлари



Сүғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш

Мелиоратив ишларни амалга ошириш учун:

Давлат бюджетидан 750 млрд.сўмдан ортиқ маблаг ажратилди.



“Узмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси ҳамда 49 та давлат унитар корхоналари ташкил этилди



Сүғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш

- **1 млн. 500 минг гектар
сүғориладиган
ерларнинг мелиоратив
ҳолати яхшиланди**
- Кучли ва ўртача
шўрланган майдонлар
**113 минг гектарга
камайтирилди**
- Ер ости сизот сувлари
юқори бўлган
майдонлар **415 минг
гектарга
кисқартирилди**



Сүғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш

**Мелиоратив
тадбирлар амалга
оширилган
худудларда
хосилдорлик
пахтада 3-4
ғаллада 4-5
центнерга кўпайди**



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ritzema H.P. (Editor-in-Chief), 2006. Drainage Principles and Applications. Wageningen, Alterra, ILRI Publication no. 16, pp.1125.
2. Маматов С.А. “Томчилатиб суғориш тизими”. Кўлланма. Т. “Мехридарё”, 2012, 80 бет.
3. Рахимбоев Ф.М. “Практикум по сельскогохозяественнкм гидротехническим мелиорациям” Т. “Мехнат». 1991, 391 бет.

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2016.-56 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Тақидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятини кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент, Ўзбекистон, 2017.-1046.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларинитаъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровошлигининг гарови. Тошкент, Ўзбекистон, 2017.- 486.
4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Т., Ўзбекистон, 2017. “Газета. Uz”.
5. Серикбаев Б.С., Бараев Ф.А., Тешабоев Б. ва бошқалар. «Ресурс тежамкор суғориш технологиялари», Ўқув қўлланма. Тошкент. “Мехнат”, 2008. - 181 б.
6. Бараев Ф.А., Базаров Р.Х., Шайманов Н.О. “Гидромелиоратив тизимларни ишлатиш ва автоматлаштириш”, Дарслик. Тошкент. “ТИМИ”, 2008. - 396 б.
7. Бараев Ф.А., Базаров Р.Х. ва бошқалар. «Ресурс тежамкор суғориш технологиялари” фанидан лаборатория ишларини бажариш бўйича методик қўрсатма. Тошкент. “ТИМИ”, 2013й.
8. Серикбаев Б.С., Бараев Ф.А., Базаров Р.Х. и другие. “Практикум по эксплуатации и автоматизации гидромелиоративных систем”, Учебник. Ташкент. “Мехнат”. 1996. - 396 с.

Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
3. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати, 2004, UNDP DDI: Programme www.lugat.uz, www.glossaiy.uz
4. www.lex.uz
5. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
7. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
8. www.ziyonet.uz
9. www.cottonginning.com
10. www.TIMI.uz

11.www.pedagog.uz